Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 201 (20. 468) • 1989 йил 1 сентябрь, жума • Баҳоси 3 тийин.

БУГУН—БИЛИМЛАР КУНИ

ТАЪЛИМ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ

Сахий кузнинг бегубор болаларимизга ҳадя этувчи бахт ва шодликларидан бири — биринчи сентябрь қўнғироғи. Шу куни миллионлаб болалар ва йигит-қизларимиз ёзги таътилни мароқ билан ўтказиб қадрдон мактаб, билим юрти, техникум ва олий ўқув юрти масканларига ташриф буюрадилар. Қадрдон мактаб, синфхона ва парта. Дўст ва дугоналарнинг чеҳраларида ҳанда. Меҳрибон мураббийларга ҳадя этилаётган гулдасталар.

Биз ҳамма яхши нарсалар — болаларга деймиз ва тўғри қиламиз. Бугунги ва эртанги кунимизнинг ёруғ бўлишини мактаб билан боғлаймиз. Афсуски, турғунлик йилларида ана шу муҳим ҳаётий масалаларга яхши эътибор бермадик, фарзандларимизнинг билими билан қизиқмадик, таълим олаётган масканн ҳақида жиддий ўйлаб кўрмадик. Бу оғир оқибатларга олиб келди, билим саёзлашди, мактаб бинолари йиқилаёзди.

Мамлакат ўқитувчиларининг ўтган йил охирида бўлиб ўтган съезди совет мактаби барча бўғинларини янгилаш, мураббийнинг ҳам, тарбиячининг ҳам қўл-оёғини боғлаб қўйган авторитар педагогика кишанларини узиш, фикрлаш, ҳал этиш, ҳаракат қилишдек эркинликни қўлга киритиш имконини берди. Бу жараён «СССР ўрта умумий таълим мактабининг тахминий муваққат Низоми»да юридик жиҳатдан мустаҳкамланди. Низом мактабга, унинг демократик давлат-жамоат институти сифатидаги ҳуқуқига кафолат беради, кенг мустақиллигини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда —бу ҳужжат мактабни қайта қуриш йўлидан дадил олға бошлаб боради.

Бу соҳада республикамиз халқ таълимининг ҳам муносиб изланишлари бор. Бугунги кунда мавжуд 8000 та мактабда 4,5 миллион ўқувчи таълим олмоқда. 3,5 минг мактаб типовой биноларга жойлашган. Ушбу бинолларда таълим-тарбия жараёнини яхши ташкил этиш учун барча имконият мавжуд. Бундай мактаб бинолари муттасил кўпайиб бормоқда. Мактаб программалари, дарсликлар батамом янгиланмоқда. Республика халқ таълими министрлиги халқ таълимини компьютерлаштиришнинг аниқ мақсадни мўлжаллаган комплекс программасини ишлаб чиқди ва жорий этишга киришди. Қорақалпоғистон АССРда, областларда 750 та ўқув-ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланган синфлар бор. Ўн учинчи беш йилликнинг охирида бундай синфлар ҳар бир мактабда бўлишига эришилади.

Республикада 3,5 миллион ўқувчи ўзбек тилида таҳсил оляпти. Бу 78 фоизни ташкил этади. 107 минг ўқувчи қорақалпоқ, 657 минг ўқувчи рус, 126 минг ўқувчи қозоқ, 102 минг ўқувчи тожик, 16 минг ўқувчи туркман, 7 мингдан ортиқ ўқувчи эса қирғиз тилида ўқийди. Бундан ташқари, бир қатор умумтаълим мактабларида дарслар немис, турк, корейс, қрим-татар, грек, уйғур тилларида олиб борилади.

Июнь ойида Олмаотада Ўрта Осиё республикаси ва Қозоғистон халқ таълими министрларининг учрашувида министрликлар ҳамкорлигининг Асосий йўналишлари тасдиқланди, кадрлар тайёрлашнинг барча масалаларини ҳал этиш учун доимий ҳаракатдаги орган — регионал кенгаш тузилди.

Шу йилдан бошлаб рус мактабларида ўзбек тили мутахассислиги учун 275 нафар, рус мактабларида қорақалпоқ тили мутахассислиги учун эса 25 нафар студент қабул қилинди. Бундан буён республика олий ўқув юртларида шундай мутахассисликлар тайёрлаш давом эттирилаверади.

Вазифа — область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ўсиб бораётган демократик жараёнда партиянинг янги функцияларини ўзлаштириб олишга киришишлари, мактаб ҳаётининг барча соҳаларига коммунистларнинг идеологик ва ташкилотчилик ишлари, кадрлар орқали таъсир кўрсатишни кучайтиришлари лозим.

1 сентябрдан халқ таълими ходимларининг Бутуниттифоқ съездида эълон қилинган «Қишлоқ мактаби йилида бошланади. Бу республикамиз учун ғоят муҳимдир. Негаки, мактабларимизнинг 80 фоизи қишлоқларда жойлашган. Партия, совет ва жамоат ташкилотлари ҳар бир мактабнинг қурилишидан тортиб эстетик гўзаллиги-ю болаларнинг билимигачча қайғуришлари лозим. Республикада, ҳар бир областда «Қишлоқ мактаби» программаси ишлаб чиқилиши ва унинг амалга оширилиши учун назоратни кучайтириш шарт. Шу билан бирга ўқитувчига жамоат ғамхўрлигини кўрсатишдек хайрли анъанани давом эттириш керак. Ўқитувчи турмуш ташвишлари билан банд этилмай, кўпроқ болалар билими ва тарбияси ҳақида қайғуриши ҳамда изланишига шароит яратиш муҳимдир.

Бизда ҳавас қилса арзигулик мураббийларимиз кўп. Лекин ана шу талабчан ва ижодкор ўқитувчиларнинг тажрибалари оммалаштирилмай, қоғозларда, айрим хоналарнинг ғаладонларида қолиб кетаётир. Бундай усулга қатъиян барҳам бериш керак. Айниқса ёш ўқитувчиларга, бу йил коллективга қабул қилинган касбдошларга ёрдам бериш, уларнинг шу жойда муқим ишлаб қолишларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш лозим.

Бугун Тошкент машинасозлик институтида ҳам қўнғироқ янграйди. Янги олий ўқув юрти ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси сифатида иш бошлайди. Айрим билим юртлари ва мактабларда ҳам дастлабки сабоқ янги биноларда ўтмоқда. Шу ўринда ҳар бир болага ва ҳар бир йигит-қизга жамоат мулки ўз мулки эканлигини сингдириш муҳимдир.

Билим савиясини талаблар даражасига кўтариш ғоятда зарур. Биз ўқувчиларга халқларнинг ҳамма даражадаги тарихини, яъни ҳам маҳаллий, ҳам республика, ҳам Иттифоқ ва ҳам жаҳон тарихини тўла билишига ёрдам беришимиз керак. Математика, физика, биология ва бошқа табиий фанлар бўйича республикамиз территориясида яшовчи халқлар, этник группалар вакилларининг билимларининг конкрет соҳаларини ривожлантиришга, жаҳон маданиятини юксалтиришга кўшган ҳиссаларини яққол кўрсатиб бериш даркор.

Адабиёт байналмилал онгни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Бу фан бошқа халқларнинг турмуш тарзи, анъаналарини сингдиради, бошқа миллий маданиятларга нисбатан ҳурмат руҳини тарбиялайди. Афсуски, айрим мактабларнинг бу фан бўйича мураббийларининг ўзи тарбияга муҳтождир. Ингилиз тили ни кўришга, номигагина дарс ўтишга бутунлай барҳам бериш керак. Шу билан бирга ўқувчилар, студентлар орасидаги айрим инчиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш, уларнинг соғлом ўсишини таъминлаш ғоят муҳимдир. Бундай безорилигининг пайи қирқилмагунча курашни давом эттириш зарур.

Педагогика кадрлари тайёрлаш системасининг барча бўғинларини қамраб олувчи «Ўқитувчи» комплекс истиқбол программасининг бажарилиши ҳар биримизга боғлиқдир. Фарғонада ташкил этилган доимий педагогик таълим маркази, Сирдарё давлат педагогика институти базасидаги ўқув илмий-педагогик бирлашма бу ишнинг мукаддимасидир. Истиқбол программасининг турмушимизга дадил кириб бориши учун партия, совет ва жамоат ташкилотлари ғамхўрликни янада кучайтиришлари керак.

Янги ўқув йили бошланмоқда. Янги ташвиш ва ижодий изланишлар ҳам давом этмоқда. Бу ўқув йилидаги барча муаммоларни бартараф этиш, болаларнинг билим савиясини оширишга эътиборни қаратиш ва бунга эришиш ҳар биримизни сабот билан ишлашга ундамоқда. Бу — бугуннинг эҳтиёжи, партиямиз, халқимиз қўйётган талаб. Зеро, шундагина халқ таълимида аниқ ўзгаришлар юз беришига ишонамиз.

Билим байрамингиз қутлуғ бўлсин!



ИЛК БОР МАКТАБ ҚЎЙНИГА Р. Альбеков фотоэтюди.

[Янги ўқув йили — Билимлар кунига бағишланган материалларни 3-саҳифада ўқийсиз].

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

30 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги Бюроси бўлди.

Бюро кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш фактларига қатъий чек қўйишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Муҳокама чоғида республикада қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка қарши кураш юзасидан иш олиб борилаётганига қарамай, давлатни алдаш каби нотўғри практика ҳамон давом этаётганлиги таъкидланди. Бу эса кадрларни бузиб, уларнинг топширилган иш соҳаси учун масъулиятини камайтирмоқда. Республикадаги қўпгина партия ва совет органлари ишларнинг ҳақиқий аҳволини бузиб кўрсатишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида партия ва ҳукумат қарорларидан тегишли хулоса чиқариб олмаганликлари, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка қарши курашда масъулиятсизлик, кўнгилчанлик қилаётганликлари айтиб ўтилди.

Бюро область партия комитетларидан бу масалаларда тартиб ўрнатиш юзасидан узил-кесил чоралар кўришни, давлатни алдаш фактларини фақат мансаб билан боғлиқ жиноят деб эмас, балки партия олдидаги оғир жиноят деб қарашни талаб қилди. Қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликнинг ижтимоий хавфини ҳисобга олиб, ҳар қандай қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик фактларини партия йиғилишлари муҳокамасига қўйиб, айбдорларга принципиал баҳо бериш, бундай фронтларни тугатиш юзасидан кўрилаётган чоралар ҳақида меҳнат коллективларини хабардор қилиб бориш тавсия этилди.

Марказий Комитет Бюросида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Қорақалпоғистон АССРни ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала тингланди. Бу ишда маълум силжишлар мавжудлигига қарамай, республика, партия, совет, хўжалик органлари мазкур қарорларда кўзда тутилган вазифаларни ўз вақтида бажариш юзасидан тегишли чораларни кўрмаётганликлари таъкидланди. Бу масалаларда Қорақалпоғистон область партия комитети, автоном республика Министрлар Совети зарур қатъият кўрсатмаяпти. Аҳоли ҳаётини таъминлашнинг кўпгина жиддий муаммоларини ўз кучлари билан ҳал қилиш мумкин бўлса ҳам бу муаммолар жуда секинлик билан ҳал этилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига, Марказий Комитетнинг бўлимларига, Қорақалпоғистон область партия комитетига, автоном республика ҳукуматига КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорларини сўзсиз бажаришга, Қорақалпоғистон АССРнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган бир қанча қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф қилди.

1990 йилнинг сентябрида В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг 70 йиллигига бағишланган юбилей тадбирларини ўтказишга қарор қилинди. Бу тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш комиссиясининг состави тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлигини, Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал-таъминот давлат комитетини қайта ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигини тузиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди.

Марказий Комитет Бюросида Ўзбекистон ССР агросаноат комплексини бошқариш системасини такомиллаштириш масаласини кўриб чиқди. Ҳамма босқичларда бошқарувни демократиялаш ҳамда хўжаликлар ва корхоналарнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик усулларидан раҳбарликнинг иқтисодий усулларига қатъий ўтишини гарантиялаш зарурлигидан келиб чиқиб, район агросаноат бирлашмалари (РАПО)ни тугатиш ҳамда конкрет шароитлар ва хўжаликлар, корхоналар, кооперативлар, деҳқон хўжаликлари, агрокомбинатлар, агрофирмалар ва бошқаларнинг бир-бирига боғлиқлигидан келиб чиқиб, ихтиёрийлик асосида бошқарувнинг сайлаб қўйиладиган органини тузиш кўзда тутилмоқда. Область агросаноат комитети ўрнига агросаноат кооператив — давлат корхоналари ташкилотлари уюшмаси — «область агросаноат уюшмалари» тузиш, бунда агросаноат тузилмалари, колхозлар, совхозлар, қайта ишловчи ва бошқа корхоналар вазифаларини аниқ белгилаб қўйишни, бошқарувда давлат ва жамоатчилик асосларини энг мақбул даражада қўшиб олиб боришни, шунингдек агросаноат комплексининг ишлаб чиқариш — территориал бошқарув соҳасида тўла мустақилликни таъминлашни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетини ўзгартириб, уни Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитетига айлантириш ва унинг зиммасига республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш сиёсати учун бутун масъулиятни юклаш, колхозлар, совхозлар, кооперативлар, алоҳида деҳқон хўжаликлари ишига маъмурий аралашишни бутунлай истисно қилиш таклиф этилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига республика агросаноат комплексини бошқаришнинг янги структурасини ишлаб чиқиш ва 1989 йил сентябрь ойида агросаноат комплекси бошқарув органлари системасидаги ўзгаришлар тўғрисида Қонун қабул қилиш учун уни Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этиш, бунда республика агросаноат комплексида бошқарув системасини қайта қуришни шу йил ноябрь—декабрь ойларида тугаллаш зарурлигини кўзда тутиш тавсия қилинди.

Марказий Комитет Бюросида КПСС Марказий Комитетининг Совет Болтиқбўйи республикаларидаги аҳвол тўғрисидаги баёнотининг сиёсий жиҳатдан ғоят муҳимлиги таъкидланди. Муҳокама чоғида Латвия, Литва ва Эстониянинг миллатчи, экстремист тўдалари демократия шароитида ажралиб чиқишга қаратилган йўлни очиқдан-очиқ ўтказаётганликлари, ишни Болтиқбўйи республикаларининг алоҳида бўлиб ажралишига, СССРдаги бошқа халқлар билан кўпдан буён қарор топган узвий алоқаларни узиб ташлашга қаратаётганликлари таъкидланди. Уларнинг режалари социализмга, Советларга қарши тусдадир. Бюро КПСС Марказий Комитетининг баёнотидаги Совет Болтиқбўйи халқларига қилинган миллатлараро муносабатдаги долзарб ва тўпланиб қолган муаммоларни хотиржамлик билан амалий ҳал қилишга, қайта қуриш тақдири учун масъулият ва донолик кўрсатишга даъватни тўла қўллаб-қувватлади.

Бюро мажлисида ижтимоий-сиёсий тусдаги бошқа масалалар, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Сўз—илғор пахтакорларга

Деҳқонда икки сифат — масъулият ва интизом бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Кизириқ дашталари ташкил бўлганига 20 йилдан ошган. Совхозимизда интизом ютуққа эришилган бўлса, ҳаммаси масъулиятни юксак ҳис қилиш билан мустаҳкам интизом самарасидир.

Бугун ҳар бир деҳқон иштиёқ билан дала кезади. Нега? Чунки дала кун ўтган сайин файзу баракали бўлиб боряпти. Ҳар туп ғўзада кеча икки-уч чаноқда лўппи бўлиб очилган пахтага кўзимиз тушган бўлса, эртаси унинг ёнида яна бир неча кўсак очилиб турибди. Бу деҳқонни қувонтирмай кимни қувонтирсин!

Лекин деҳқон шу қувончли кунларга осонгина эришгани йўқ. Хўжалигимизда 3542 гектар пахта майдони бор. Шундан 1400 гектари қайта бузиб экилди. Бузиб экиш — пахтакорни мўлжалдан адаштиради, режасини бузади. Биз шу режанинг бузилмаслик йўлларини қидирдик. Қандай қилиб? Жуда оддий. Беш-олти идорага кириб, «АН—60» навли пахта уруғидан топдик. Апрелнинг биринчи ўн кунлигида совуқ урган ғўзалар ўрнига шу уруғдан экдик. Бу нав ҳосили «138—Ф», «108—Ф», «133—И» навлари ҳосилига қараганда ўн беш-йигирма кун эрта пишиб етилади. Ҳосилдорликда ўша навлардан қолишмайди. Гектаридан 40—45 центнердан ҳосил олиш мумкин.

Биз гектар бошига 36 центнердан пахта ҳосили олиш мажбуриятини қабул қилганмиз. Айрим деҳқонларимиз «АН-60» навини биринчи йил экаётган эдилар. Рости, улар: «Синалмаган уруғдан экиб, кузда уялиб қолмайлик», — дейишди. Уларга тушунтирдик. Йўқ, улар ҳам бир текис кўчат олдилар. Шундан кейин ишлов бериш, суғориш ва озиқлантиришни вақтида ўтказиб, кеч экилган ниҳолларнинг тез ўсишини таъминладик.

Хавфимиз — июнь ойи эди. Чунки ҳар йили шу ойда ғўза аямай шона ташларди. Эгатлар узилган гул ва шонага тўлиб қоларди. Бу йил бир оз «хавфлироқ» тажрибани қўлладик. Ойнинг ўрталарида бир неча кун ҳарорат ошгандан ошди. Қуёш осмондан ерга уввалиб тушгандай эди. Эътибор қилган бўлсангиз, иссиқ 40 даражадан ошгандан сўнг айни туш маҳали ғўза шалпайиб сувсизликдан қовжираб қоладигандай туюлади. Ана шундай пайтда деҳқонга мустаҳкам ирода, катта тажриба керак. Айрим бригада ва бўлим бошлиқлари эса бундай пайтда директорга арз қила бошлайдилар. «Ғўзам чанқаб, қовжираб қолай деяпти. Сув беринг, бўлмаса, бўшатиб қўйинг мени!» — деб жанжал қилишга тушадилар. Мен буни нега айтаяпман? Бундай ҳол биргина бизнинг хўжаликда эмас, бошқа колхоз ва совхозларда ҳам тез-тез учраб туради. Улар: «Бўпти, сув навбати сизга» — демагунингизча олдингиздан жилмайдилар.

Лекин шу бир оғизгина «бўпти»нинг эртага бир олам зиёни бор. Нафақат ўша бригадага, балки бутун хўжаликка, районга, областга зиёни бор. Шуни ҳис қилган хўжалик раҳбари бригадир минг ялинсин, жанжал қилсин, барибир, ўз билганидан қолмайди. Мен сизга айтсам, деҳқончиликда баъзан ана шундай дангаллик ва қатъиятлик ҳам керак.

Биз шундай мунозаралар бўлишини олдиндан сезгандик. Шунинг учун ҳам июнь ойи бошланиши арафасида барча бўлим, бригада ва оилавий звено бошлиқларини бир жойга йиғиб, келишиб олдик. Ҳарорат 33—37 даражага етадиган кунларда ғўзани суғоришни тўхтатиб қўямиз, дедик. Ҳарорат ошишини қаердан билиш мумкин, дейдиганлар ҳам топилиб қолди. Ҳозир газеталарда, ҳатто бир ой олдин қайси кунлари об-ҳаво қандай бўлишини ёзишаяпти-ку! Бу ким учун? Нега биз бу маълумотлардан ўз ишимиз манфаати учун фойдаланмаймиз?

Хуллас, биз ҳарорат сояда 46—47 даражага етган 10—15 июнь кунларида бир гектар ҳам ғўзани суғорганимиз йўқ. Ўша кунлари далада ҳарорат 60 даражадан ошганди. **Агар ўша кунлари қайси деҳқон ғўзасини суғорган бўлса, унинг даласидан осмонга қайноқ ҳовур кўтарилган ва бу ҳовур бор шонаю гулни нобуд қилганлиги аниқ. Биз эса ҳосилни тўла сақлаб қолишга эришдик. Бу тажриба бирон илмий китобда ёзилган эмас, деҳқон кузатувлари самараси, холос.**

Бугунги кунда ҳар тўп ғўзада 15—20 тага қадар кўсак, 25—26 та ҳосил нишоналари бор. Бу бизни хотиржам қилолмайди. Эндиги вазифа шу кўсакларнинг тўкилгини таъминлаш, шона ва гулни эса тезроқ кўсакка айлантиришдан иборат. Вазифа шундайку-я, аммо деҳқонларимиз бир нарсадан ташвишланиб турибдилар. Август ойининг дастлабки кунлариданоқ кечалари салқин ташлаб қолди. Ўсимлик эса асосан кечаси ривожланади. Кўсаклар ҳам кечаси тўлишади. Шунинг учун кечқурун қорайиб турган пайкал эртаси қарасангиз, чаман бўлиб туради. Ҳаво шундай салқин келаверса, очиғи, пахтакор анча қийналиб қолади.

Яқинда тажрибали пахтакорлардан тўрт-бешови билан суҳбатлашдим. Улар, ҳосилни бой бермасликнинг бир-бирдан шарти—ишловни камида 15 сентябрга қадар узлуксиз давом эттиришдан иборат, дейишди. Т. Бойтўраев бошлиқ 2-бўлим механизаторлари ўтган йили 20 октябрда йиллик пахта тайёрлаш планини бажарган эди. Бўлим далаларидаги ғўза ривожи ўтган йилдагига нисбатан 15—20 кунга кеч. Лекин у август-сентябрь ойлари ичида ғўзага икки марта культивация бериш, ўсимликни ҳар куни шамоллатиб туриш ва вақтида дефолиация қилиш йўли билан планни 25 октябрда бажаришни режалаштириб қўйди. Мен бу одамга ишонаман. У ҳеч қачон мўлжалдан адашмаган. Ўтган тўрт йилда иккита қолоқ бўлимни илғорлар қаторига чиқариб берди.

12 йилдан бери бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган М. Болтаев ҳам худди Т. Бойтўраев сингари мўлжални аниқ оладиган деҳқон 4—5 апрель кунлари ерга қайта чигит ташлаган Э. Остонақулов, С. Бойтўраев бошлиқ оилавий звенолар далаларидаги ғўзалар ривожланишда ҳам, кўсакларнинг ва очилган пахта сонининг кўплиги жиҳатидан ҳам март ойида униб чиққан ғўзалардан қолишмайди. Буни ҳеч иккиланмасдан масъулият ва интизом самараси дейишимиз мумкин.

Биз 25—26 августда оммавий равишда саралаб теришни бошлаймиз. Шундан кейин, 15—20 сентябрда ғўза баргини сунъий тўктиришга киришамиз. Етарли миқдорда дефолиантлар бор. Ғўза баргини тўктириш учун ер аппаратларидан фойдаланамиз. Бу самолёт орқали дори пуркашдан кўра бир неча баравар арзонга тушади. Бунинг устига об-ҳавони, сувни булғамайди, аҳоли саломатлигига путур етказмайди.

5—6 октябрь кунлари ёппасига машина теримини бошлаб юборишни ниятимиз бор. 125 та терим агрегати тахт турибди. 900 та қўлтарози, керагича этак ҳозирлаб қўйдик. Пахта қуритиладиган тўққизта жойни тартибга келтирдик. Бутун мавсумга етадиган миқдорда ёнилғи-мойлов ашёларимиз бор.

Яқинда қўлга қалам олиб, бир сидра хомчўт қилиб чиқдик. Агар ҳар куни 100—110 та терим машинаси далада ишлаб турса, бир машина билан ўртача 8 тоннадан ҳосил йиғиб олсак, кунда 800 тонна пахта хўжалик хирмонига келиб тушади. Шунинг 600 тоннасини ҳар куни қабул пунктига топширишимиз мумкин. 120 тонна пахтамиз 1 процентни ташкил қилади. Шу ҳисобда ҳар куни 4 процентга қадар пахтани териб, давлатга топширсак бўлади. Борди-ю, 15 сентябргача 1 процентдан, октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида 3 процентдан, иккинчи ўн кунлигида бир неча кун 4 процентдан пахта топширсак, ишимиз юришгани шу бўлади.

Аммо тонналар салмоги ошган сайин пайкалнинг кўри ҳам камайиб бораверади, суръат тушади. Масалан, мен аввалиги йиллар тажрибасидан шуни кузатганман, **йиллик пахта тайёрлаш плани 90 процентга етганда кунлик суръат 1,5—2 процентга, 95 дан ошгандан кейин эса 1—1,5 процентга тушиб қолади. Лекин бизнинг мўлжалимиз — 1 ноябрь. Шу куни ғалаба рапортига имзо чекмоқчимиз.**

Яхши ният — ярим давлат. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва совхоз фаоллари дирекция билан ҳамкорликда шундай режа тузиб қўйдилар.

Дала механизаторларига ҳам шунга яраша шарт-шароитлар яратиб берилади. Иссиқ овқат ташкил қиламиз. Маданий хизмат намуналари йўлга қўйилади. Совхоз бадиий ҳаваскорлик коллективи бригада ва бўлимлардаги терим илғорларини шарафлаш учун махсус программалар тайёрлаш қиладилар. Концертдан олдин илғорларга дирекция ва партия ташкилотининг фахрий ёрлиқлари, пул мукофотлари ва қимматбаҳо буюмларини топшириш ташкил қилинади.

Режа юқоридан келадиган вакилга кўрсатиш учун тузилмаслиги керак. Уни кўпчилик келишиб тузадими, рўёбга чиқиши учун ҳам ҳамма бир жон, бир тан бўлиб курашмоғи лозим. Ана шундагина деҳқоннинг юзи ёруғ, меҳнати самарали, обрўси баланд бўлади.

С. ТЎХТАМИШЕВ,
Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз директори.

МАВСУМ ВА ИНТИЗОМ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш

31 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлган кенгаш олий мактаб олдида турган долзарб вазифаларга бағишланди. Унда республика олий ўқув юртларининг ректорлари, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар. Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳамидов олиб борди.

Кенгашда талабалар ўртасида мафкуравий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш, мулоқот ва тўпланиб қолган вазифаларни биргаликда ҳал этиш йўлларини излаш зарурлиги таъкидланди. Олий ўқув юртлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг социал-маиший шароитларини яхшилаш муаммолари ўртага қўйилди.

Кенгашда Узсовпроф раиси Ҳ. Алимова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КУНИ

Ер юзининг барча қитъаларида ҳар йили 1 сентябрь куни Жаҳон тинчлик куни нишонланади. Бу сананинг танлаб олиниши бежиз эмас, чунки 1939 йилнинг 1 сентябрида иккинчи жаҳон уруши бошланган эди. Гарчи ўша фожиавий сенадан кейин орадан ярим аср ўтган бўлса ҳам сон-саноқсиз қурбонлар ва азоб уқубатлар доғи қонузгача ҳам одамларнинг дилини ўртаб турибди. 61 давлат, Ер юзи аҳолисининг 80 процентни уруш қаърига тортилди. Уруш олти йил давом этди. Жанггоҳларда 50 миллиондан кўпроқ одам нобуд бўлди.

Шу боисдан ҳам «халқ дипломатияси» ҳозирги кунда жуда катта аҳамият касб этди. Урушнинг олдини олиш мақсадида барча жуда турли-туман ижтимоий кучларни муштарак юмушларга сафарбар этиш Жаҳон тинчлик кунининг моҳиятидир.

(ТАСС).

• *«Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» тўғрисидаги КПСС платформаси — умумхалқ муҳокамасида*

ОММА ФИКРИ — СИЁСАТНИНГ БОШ МЕЗОНИ

(Социолог мулоҳазалари)

Миллий масала ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу муаммо йиллар давомида ечилмай келинаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий ва сиёсий масалаларнинг салбий оқибатидир.

В. И. Ленин миллий масалага бағишланган жуда кўп назарий концепцияларни мерос қилиб қолдирган эди. Лекин уларнинг кўп қисми ҳаётда ўз ўрнини топа олмади. Жумладан, доҳийнинг «миллий масалани бошқаришда ҳамма вақт ижтимоий шароит анализига суянмоқ даркор» деган фикрига амал қилинмади. Буйруқбозлик ва маъмуриятчилик билан иш тутган ва ҳозир ҳам ана шу услубда иш юритаётган раҳбар идоралар ана шундай нозик ва муҳим концепциядан чекиндилар.

«Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» бўйича КПСС платформаси лойиҳасида анча мукаммал фикрлар баён этилган. Аммо ҳамма гап шу фикрлар ва назарий масалалар қоғозда қолиб кетмаслиги ёки айрим амалпараст раҳбарлар «ёрдамида» пайсалга солинмаслигидадир.

Миллий масаланинг чигалланишида ижтимоий-иқтисодий сабаблардан ташқари, сиёсий, маданий-маънавий муаммоларнинг бутунлай ҳал қилинмаганлиги салбий таъсир кўрсатди. Шундай мураккаб масалалардан бири республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда миллий тилга давлат тили мақомини таъсис этишдир. Тил масаласи нафақат маданий-маънавий масала, балки ижтимоий- сиёсий масала ҳамдир. Шунинг учун бу муаммо ҳеч кимни бефарқ қолдира олмайди. Ўзбекистонда айни пайтда кенг муҳокама қилинаётган Тиллар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси қарама-қарши мулоҳазалар тўғдирмоқда. Чунки у жуда кўп камчиликлардан иборат. Бир бирини инкор этадиган фикрлар аҳолини ажаблантирмоқда. Бу соҳада республика матбуоти нашрларида танқидий фикрлар айтиб ўтилиши билан бир қаторда амалий мунозаралар ҳам юритилмоқда.

Матбуотда эълон қилинаётган мақолаларнинг кўп қисми расмиятчилик ва эскича тафаккур асосида ёзилмоқда. Масаланинг туб моҳияти очилмаяпти.

Ҳар бир долзарб масалани ечишда оммага таяниб, халқ фикрини чуқурроқ ўрганиш ва шу асосда иш тутиш салбий воқеалар юз беришининг олдини олади. Буни ҳаёт кўрсатмоқда.

В. И. Ленин «...миллионларча кишилар ўз турмуш тажрибаларига мос келмаса, улар партиянинг маслаҳатларига ҳеч вақт қулоқ солмайдилар» деганида жамоатчилик фикрига таяниш ва шу асосда иш юритишни назарда тутган эди. Буни ҳар бир раҳбар ходимдан қатъий талаб қилган эди.

1987—1988 йилларда Фарғона, Тошкент ва Самарқанд областларида ўтказилган социологик тадқиқотлар ҳамда хатлар таҳлили ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий масалалар ўз вақтида ечилмаганлиги сабабли яна янги, ундан ҳам жиддийроқ муаммоларни келтириб чиқараётганини кўрсатмоқда. Масалан: кейинги 10—15 йил ичида қурилган корхоналарнинг баъзиларида ишчиларнинг асосий қисми ташқаридан олиб келинган бўлиб, маҳаллий аҳоли жуда озчиликни ташкил этади. Бу ўз навбатида ишчи кучининг ортиқча ресурсларини вужудга келтирди. Ўй-жой муаммосини кескинлаштирди. Натижада маҳаллий аҳоли ўртасида норозилик кучайди. Жуда кўп иқтисодчи, жамиятшунос ва бошқа ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи олимларимиз Ўзбекистонда маҳаллий ишчилар сафи ўсмаётганлиги, ортиқча ишчи кучи кўпайиб бораётганлиги тўғрисида гапириб бермоқдалар. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳозирча қоғозда қолиб келмоқда.

Жамиятнинг ривожланиш қонуни шуни кўрсатадики, ҳар бир ечилмаган муаммо яна турли хил чуқурроқ масалаларни юзага келтирадики, уларни бартараф этиш мушкуллашаверади. Шу боисдан ҳозирги энг долзарб вазифаларни — пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш, малакали маҳаллий ишчилар сафини кенгайтириш, хотин-қизлар учун шароитларни тўла яратиш ва бошқа кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш қайта қуриш программасининг асосий бандларидан бири эканлиги ҳаммамизга маълум. Лекин уларни ҳал этишда кечириб бўлмайдиган даражада сусткашлик ва бепарволикларга йўл қўйилмоқда. Муаммоларни ҳал этиш, мураккаб вазиятдан чиқиб олиш чораларини кўриш ўрнига айбни фақат турғунлик ва олдинги даврларга тўнкаш, эскилик сарқитларини рўкач қилиш ҳоллари рўй бермоқда. Жамоатчилик қайта қуришга ва республикада юз бераётган ижобий ўзгаришларга ишонч билан қарамоқда. Меҳнаткашлар яхшироқ ишлашга тайёр эканликларини билдирмоқда. Лекин иш қуроллари-нинг эскилиги, меҳнатга ҳақ тўлашда ва кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда социал адолат принципларининг бузилаётганлигини ҳам алоҳида уқтиришмоқда. Раҳбар ташкилотлар эса омма фикри ҳисобга олинаётганини фақат 11,9 процент ишчигина тасдиқлади, холос. Демак, мавжуд ҳолдан кўпчилик қониқмаяпти.

Саволларга жавоб берган ишчиларнинг кўпгина қисми қайта қуриш жараёнига халақит берувчи омиллар қаторига раҳбарларнинг янгича ишлашга етарли даражада тайёр эмаслиги, уларнинг бир қисми республика, область, шаҳар ва район шароитини яхши билмасликларини, эски усулда ишлашга ўрганиб кетганликларини, ўз фаолиятларига танқидий баҳо бермасликларини, жойларда меҳнаткашлар билан учрашишга етарли тайёргарликлари йўқлигини ва бошқа жуда кўп танқидий мулоҳазаларни билдиришмоқда.

Тадқиқот жараёнида кўпчилик, айниқса қишлоқ аҳли қайта қуришнинг амалий натижасини кўрмаётганликларини ва охирги уч йил ичида турмуш даражаси янада пасайиб бораётганлигини айтишди. Гўшт ва сут маҳсулотлари етишмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон партия ва ҳукумати масалаларга жиддий, ҳодисона, тадбиркорлик билан ёндашмоқда ва бошқа идоравий раҳбарликдан ҳам талаб этмоқда. Республика Компартияси Марказий Комитети XVI пленумида муҳокама қилинган масалалар тез орада амалга ошса, аҳоли турмушининг фаровонлиги 1992. 1995 йилларга келиб бирмунча ошиши муқаррар. Ана шундай пайтда кўп йиллар давомида халқ яхши ниятлар рўёбга чиқишини кутишдан чарчаганлигини ҳам ҳисобга олиш, етилган масалаларни тез ҳал қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» бўйича КПСС платформаси лойиҳасида «Иттифоқдош ёки автоном республикага ном берган миллатнинг тили давлат тили деб эътироф этилиши мақсадга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисидаги масала шу республикалар ихтиёридадир», — дейилади. Сўз жумладан Ўзбекистонда ҳам ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисида бормоқда.

Республикамизда жуда кўп миллат ва элатларнинг вакиллари яшаб, меҳнат қилишмоқда. Маҳаллий аҳоли билан бошқа миллат вакиллари ўртасидаги мулоқотда рус тилининг роли катта. У миллатлараро алоқалар тили бўлиб катта хизмат қилади. Бироқ Украина ССРда украин тили, Белоруссияда — белорус тили давлат тили муқаррар бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам фақат ўзбек тилини давлат тили деб эълон қилиш лозимдир. Ана шу жиҳатдан қараганда муҳокама қилинаётган Тиллар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси аҳоли томонидан ҳақли равишда танқидга учрамоқда ва ҳар хил миш-мишларга, миллатчиликнинг авж олишига олиб келмоқда. Корхоналарда бўлиб ўтган учрашувларда билдирилган фикрлар, матбуот органлари номига келаётган хатлар ҳам фикримизнинг далилидир.

Демак, сўз кўп миллионли, қадимий маданият ва маърифат эгаси, кўп асрлик тарихи чуқур илдиз отган халқ — ўзбек халқи ва унинг бой тили устида борар экан, масалани чуқур ўрганиб, келгуси авлодларимизга қандай мерос қолдиришимизни ҳам тарихимиз сабоқларини ҳам ҳар жиҳатдан таҳлил этиб, омма фикрига биноан ва давр талабига мос равишда қарор қабул қилиниши лозим. Бу ўзбекларда ёки бошқа миллат ва элат вакилларида миллатчилик ҳис-туйғуларининг кучлилиги ёки йўқлигида эмас, балки гап бутун бир қадимий халқ маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт даражасининг ўзгариши, тарихий муносабатларнинг қайта қурилиши ва энг муҳими, ижтимоий онгимизнинг у ёки бу даражада ошганлигини кўрсатувчи омилдир.

Масаланинг иккинчи томони, бу — Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилиб келаётган бошқа миллат вакилларининг ҳақ ва ҳуқуқлари муаммосидир. Маълумки, Ўзбекистонда ўқиш ва ўқитиш ишлари ўзбек тилидан ташқари рус, тожик, қозоқ, қорақалпоқ, туркман, қирғиз, қрим татар, уйғур тилларида радиоэшиттириш ва кўрсатувлари ҳам жуда кўп тилларда олиб борилади. Газета-журнал ва китоблар чоп этилмоқда. Демак, ўзбек тилига давлат мақоми берилганда ҳам бу муҳим сиёсий-маданий аҳамиятга эга бўлган анъана давом этаверади, ривож топади.

«Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» КПСС платформаси лойиҳасида Совет Иттифоқида яшовчи барча миллат ва элатларнинг тиллари бундан буён ҳам ривожланиб боришига зарур даражада шарт-шароитлар яратилиши ва ҳар бир миллат ҳоҳлаган тилда гапириши, ўз болаларини ҳоҳлаган тилда ўқитиши ва тарбиялаши учун тўла эркинлик берилиши, у ёки бу тилни ишлатишда ҳеч қандай имтиёз, чекланиш ва мажбур қилинишга йўл қўймасликни таъминлаш, халқларнинг қардошларча дўстлиги, ўзаро ишончи тиклаш шароитида иш олиб бориш алоҳида таъкидланган.

Демак, мазкур ҳужжат ленинча миллий сиёсатни тиклаш йўлида, ҳар бир миллат маданияти равнақи йўлида аниқ ҳаётий ва назарий фикрларни жамиятнинг амалий фаолиятига тадбиқ этишда ҳаммамизга бош йўналишдир.

Л. ЯҲЁЕВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.



АҲОЛИ МАМНУН

Кейинги йилларда республикамизда халқ соғлиғини сақлашни яхшилаш бўйича кўпгина тадбирлар ишлаб чиқиляпти. Бу тадбирлардан бири — маъмурий биноларнинг кўпчилигини поликлиникалар, амбулаториялар ва даволаш муассасалари ихтиёрига берилишидир. Наманган областининг Уйчи районида ҳам соцнал адолатни тиклаш учун ҳаракат қилиняпти. Яқинда райондаги посёлка Советларидан бирининг биноси болалар поликлиникасига айлантирилди. Аввалларн бу поликлиникада бор-йўғи тўққизта кабинет ва ўн олти нафар врач ишларди. Эндиликда бу ерда йигирма нафар саломатлик посбони меҳнат қилаётир. Кабинетлар сони 21 тага етди. Шу ернинг ўзида дорихона ҳам ишлаб турибди.

Мазкур медицина муассасида ўн тўрт ёшгача бўлган 51 минг ўғил-қиз ҳисобга олинган. Врачлар ва медицина ҳамширалари булардан ўз вақтида хабар олиб туришади. Аҳоли ўртасида турли тушунтириш ишлари ҳам олиб борилади. Айниқса юқумли касалликларга қарши кўрилаётган тадбирлар яхши самара бераётир. Поликлиниканинг ўзида эса мутахассислар консультация ўтказадилар. Бу ерда эндокринология, дерматология, невропатология бўйича мутахассислар болаларни яхши даволамоқдалар. Бундан район аҳолиси ғоятда миннатдор.

Суратларда: 1. Болалар врачи Дилбар Умарова беморни қабул қилмоқда. 2. Янги поликлиника биноси.

В. МОЛГАЧЕВ
суратлари.



СССР Молия министрлиги ва СССР Давлат банкидан

АСЛ МЕТАЛЛАРДАН ЭСДАЛИК ТАНГАЛАРНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

1989 йил 31 августдан ягона рус давлатининг 500 йиллигига бағишланган тангалар муомалага чиқарилади:

3 сўмлик кумуш тангалар (асл металлнинг соф оғирлиги — 31,1 гр., қотишманинг софлик даражаси — 900);

100 сўмлик олтин тангалар (15,55 гр., 900);

50 сўмлик олтин тангалар (7,78 гр., 900),

150 сўмлик платина тангалар (15,55 гр., 999).

25 сўмлик палладий тангалар (31,1 гр., 999).

Тангалар: тартибига биноан 39 мм, 30 мм, 22,6 мм, 28,6 мм, 37 мм диаметрли доира шаклидадир.

Асл металлардан муомалага чиқарилаётган тангалар махсус сифатда («Пруф»):

— кумуш тангалар — ҳар бир тури 40 минг дона;

— 100 сўмлик олтин тангалар 14 минг дона ва 50 сўмлик олтин тангалар 25 минг дона;

— платина тангалар — 16 минг дона;

— палладий тангалар — 12 минг дона ясалган ва СССРда ҳамда чет элларда мажмуа қийматига биноан сотишга мўлжалланган.

Муомалага чиқарилаётган тангалар ҳозирги вақтда муомалада бўлган тангалар билан бир қаторда давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, колхозлар ва айрим шахслар томонидан ҳамма турдаги тўловлар учун, шунингдек СССР банкларининг муассасалари ва алоқа министрликларининг корхоналари томонидан жорий, ҳисоб-китоб счётларига киритиш учун, омонатлар учун, аккредитивлар учун ва жўнатиш учун ҳеч чекланмаган тарзда кўрсатилган баҳоси бўйича қабул қилинади.



3 сўмлик танганинг ўнги ва тескари томони.



150 сўмлик танганинг ўнги ва тескари томони.

ҚИЗҒИН МУНОЗАРА

• *Ҳўжаликни янгича юритиш сабоқлари*

Ғузор районидаги Қуйбишев номли совхозимиз Хадича Рўзиева бошлиқ 9-бригадаси партия группаси коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишига пухта тайёргарлик кўрган ҳолда тўпландилар. Йиғилишга партиясизлар ҳам таклиф этилди. Коммунистлар бир йиллик фаолиятлари, коммунистнинг ишлаб чиқаришдаги ўрни, обрўси, маданий турмуши ҳамда ечимини кутаётган социал муаммолар ҳақида фикр юритдилар. Ишдаги ютуқ ва камчиликлар ўз-ўзини танқид руҳида батафсил таҳлил этилди. Область ва район партия комитетларидан масъул ходимлар қатнашаётганлиги учун ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши кескин тус олди. Группа партия ташкилоти ишлаб чиқаришга қандай раҳбарлик қиляпти? Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида ўз ўрнини қандай белгилаб олмоқда? Ана шулар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

— Давр талаби билан бошланган қайта қуришни бригадамиз аъзолари ҳам қўллаб-қувватламоқдалар, — деди ўз ҳисоботида партия группаси ташкилотчиси М. Халилова. — Чунки қайта қуриш одамлар манфаатига хизмат қилмоқда. Шунинг учун бригада аъзолари қўтаринки руҳда меҳнат қиляптилар. 30 нафар ишчи орасида тўрт коммунист фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этиб, совхоз экономикасини юксалтиришга баракали ҳисса қўшяптилар.

Докладчи ишдаги камчиликлар ҳақида ҳам тўхталди. Бригада ишчиларига яратилган маданий- маиший шароитлар талаб даражасида эмас. Қишлоқда доимий болалар боғчаси етишмаслиги учун ҳам ёш болали аёлларнинг ишида унум бўлмаяпти. Аҳолининг турмуш маданиятини ошириш, маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида ҳар бир йиғилишда қаттиқ гап-сўзлар бўлади-ю, бироқ амалий ишга ўтилмайди. Совхоз дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари, қишлоқ Совети раҳбарлари аҳолининг ҳақли талабларини бажариш учун астойдил қайғурмаяптилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, меҳнат коллективида ўтказиладиган ягона сиёсий кунда район ва хўжалик раҳбарлари билан ҳар доим юзма-юз мулоқот бўлади. Ана шундай учрашувларнинг бирида Қовсин қишлоғини ичимлик сув билан таъминлаш, телефонлаштириш ишлари чўзилиб кетаётганлигини ишчилар қатъий қилиб айтган эдилар. Хўш, натижаси нима бўлди? Шундан кейин ҳам ўзгариш бўлмади. Ваҳолонки, раҳбарларнинг қуруқ ваъдалар бериб кетавериши, амалда ҳеч иш қилмаслиги ҳам партия ташкилоти, коммунистлар обрўсига путур етказади.

Бригададаги ҳар бир коммунист партия топшириғига эга. Бироқ топшириқни ким қандай бажараётгани группа томонидан назорат қилинмаяпти. Ёш коммунист Х. Рўзиева ўзининг партиявий топшириғи — ишчиларнинг кундалик нашрлар, газета ва журналларга обуна бўлишини уюштиришга юзаки қарамоқда. Колхоз партия комитети секретари Ж. Абдураҳимов ва бўлим цех партия ташкилоти секретари Р. Бобоқулова ҳам бу борада талабчанлик кўрсатмай, муросасозлик йўлига ўтиб олганликлари йиғилишда кескин танқид қилинди.

Группа коммунистлари партия йиғилишларида фаоллик кўрсатмайдилар. Умумий йиғилишларда ҳам танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилмай. Ҳолбуки, қўл кўтариб тасдиқлаш билан мажлисда ўз бурчимни бажардим, дейиш нотўғри тушунча. Шунингдек, бирор масала тайёрлаш ва унинг муҳокамасида коммунистларнинг иштироки сезилмаслиги бу ачинарли ҳол, албатта.

Йиғилишда бригада коммунистлари жанговарлик кўригида бирмунча фаол қатнашганликлари қониқиш билан қайд этилди. Бунинг дастлабки самараси сифатида ишлаб чиқаришда қўлга киритилган муваффақиятларни кўрсатиш мумкин. Бригада ўтган йили мавжуд 57 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил йиғиб-териб олди. Бир центнер пахтанинг таннархи 35 сўмдан 29 сўмга тушди. Шу ҳисобдан коллектив 19,5 минг сўм даромад олди. Бу йил ҳам баракали хирмон яратишга пухта тараддуд кўрилмоқда.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида партиявий интизомга риоя қилмаётган, аъзолик бадалларини ўз вақтида тўламаётган коммунистлар умумий тарзда айтиб ўтилди. Докладчи ҳам, музокарада сўзга чиққанлар ҳам аниқ исм-шарифларни келтирмадилар. Тўғри, коммунистлар томонидан қишлоқ, район ва область ташкилотлари ҳал этиши лозим бўлган муаммолар кўтарилди.

— Район ва совхоз раҳбарлари одамлардан ишни талаб қилишни яхши биладилар-у, уларга савдо, медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида қуруқ гапдан нарига ўтмаяптилар, — деди сўз олган коммунист ишчи Лутфинисо Ҳамдамова. — Қишлоқ магазинларидан уй-рўзғор учун керакли буюмларни топиб бўлмайди. Айниқса, оддий совун, кир сода, шакар аниқонинг уруғи. Баъзан ун ҳам бўлмай қолади. Далада ишловчи хотин-қизларга медицина хизмати кўрсатиш ночор аҳволда. Бу камчиликлар қачон бартараф этилади.

Йиғилишда иштирок этган Қашқадарё область партия комитети ҳузуридаги партия контроли комиссиясининг раиси О. Пармонов, Ғузор район партия комитетининг биринчи секретари Х. Раҳмонов ҳар бир коммунист билан ошкора мулоқотда бўлиб, группа коммунистлари тилга олган социал масалаларни диққат билан тингладилар. Ишчилар билан қизғин мунозара бўлди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДАРОМАДГА ҚАРАБ БУРОМАД

САМАРҚАНД ШОЙИ ГАЗЛАМАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚАРЗЛАРИНИ УЗИБ, ИШЛАБ ТОПГАН ФОЙДАСИДАН БАҲРАМАНД БЎЛА БОШЛАДИ

Икки ярим йилдирки, бирлашма коллективи тўла хўжалик ҳисоби талаблари асосида ишламоқда. Бу қисқа муддатда корхона иқтисодий фаолиятида катта ўзгаришлар бўлди. Коллектив икки йилда ўз гарданидаги 12 миллион сўмлик қарзидан қутилди. Областдаги иқтисодий жиҳатдан бақувват корхоналар қаторидан ўрин олди. Айни пайтда бирлашма давлат банкида 5 миллион сўм жамғарди. Хўш, бунга қандай эришилди?

— Очиғини айтганда, янгича ишлашга ўтилгунга қадар корхонамиз оғир аҳволни бошдан кечирди, — дея таъкидлайди бош директор М. Дадабоев. — Планларимиз ўлда-жўлда, фойдамизда барака йўқ эди. Ҳатто бир неча ишчиларимиз бўшаш ҳақида ариза ҳам беришганди.

Коллектив аҳли ўзининг қолоқлик йилларидаги иш фаолиятини таҳлил қилиб, хўжалик юритишнинг янгича шароитларида ишлашга қарор қилди. Дастлабки иш хўжалик ҳисоби асосларини пухта ўрганишдан бошланди. Кейин бирлашма раҳбарлари ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш соҳасида фойдаланилмаётган имкониятларни ҳисобга олишиб, хўжалик фаолиятини тубдан қайта қуриш йўлларини белгилаб чиқдилар.

Хўжалик ҳисобида ишлашнинг дастлабки тажрибаси шуни кўрсатдики, коллектив янгича тартибда ишлашга ўтиб барака топяпти.

Шу йилларда планлар бажарилиб, маҳсулот сифати яхшиланди. Муҳими, корхона ўз даромадига эга бўлди. Чунончи, 1986 йилнинг ярим йиллигида бирлашманинг олган фойдаси фақат 600 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 1989 йилнинг ана шу даврида 3 миллион 500 минг сўмлик фойда олинди. Пландан ташқари 474 минг сўм даромад қилинди. Шу фойданинг 47 фоизи давлат бюджетига, 26,9 фоизи министрликка тўланди. Қолган қисми — 26,1 фоизи эса корхона ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, социал, маданий-маиший эҳтиёжларга ва моддий рағбатлантиришга ажратилди.

Шу ўринда корхона билан министрлик муносабатлари тўғрисида баъзи мулоҳазаларни тез ҳал қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» бўйича КПСС платформаси лойиҳасида «Иттифоқдош ёки автоном республикага ном берган миллатнинг тили давлат тили деб эътироф этилиши мақсадга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисидаги масала шу республикалар ихтиёридадир», — дейилади. Сўз жумладан Ўзбекистонда ҳам ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисида бормоқда.

Республикамизда жуда кўп миллат ва элатларнинг вакиллари яшаб, меҳнат қилишмоқда. Маҳаллий аҳоли билан бошқа миллат вакиллари ўртасидаги мулоқотда рус тилининг роли катта. У миллатлараро алоқалар тили бўлиб катта хизмат қилади. Бироқ Украина ССРда украин тили, Белоруссияда — белорус тили давлат тили муқаррар бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам фақат ўзбек тилини давлат тили деб эълон қилиш лозимдир. Ана шу жиҳатдан қараганда муҳокама қилинаётган Тиллар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси аҳоли томонидан ҳақли равишда танқидга учрамоқда ва ҳар хил миш-мишларга, миллатчиликнинг авж олишига олиб келмоқда. Корхоналарда бўлиб ўтган учрашувларда билдирилган фикрлар, матбуот органлари номига келаётган хатлар ҳам фикримизнинг далилидир.

Демак, сўз кўп миллионли, қадимий маданият ва маърифат эгаси, кўп асрлик тарихи чуқур илдиз отган халқ — ўзбек халқи ва унинг бой тили устида борар экан, масалани чуқур ўрганиб, келгуси авлодларимизга қандай мерос қолдиришимизни ҳам тарихимиз сабоқларини ҳам ҳар жиҳатдан таҳлил этиб, омма фикрига биноан ва давр талабига мос равишда қарор қабул қилиниши лозим. Бу ўзбекларда ёки бошқа миллат ва элат вакилларида миллатчилик ҳис-туйғуларининг кучлилиги ёки йўқлигида эмас, балки гап бутун бир қадимий халқ маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт даражасининг ўзгариши, тарихий муносабатларнинг қайта қурилиши ва энг муҳими, ижтимоий онгимизнинг у ёки бу даражада ошганлигини кўрсатувчи омилдир.

Масаланинг иккинчи томони, бу — Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилиб келаётган бошқа миллат вакилларининг ҳақ ва ҳуқуқлари муаммосидир. Маълумки, Ўзбекистонда ўқиш ва ўқитиш ишлари ўзбек тилидан ташқари рус, тожик, қозоқ, қорақалпоқ, туркман, қирғиз, қрим татар, уйғур тилларида радиоэшиттириш ва кўрсатувлари ҳам жуда кўп тилларда олиб борилади. Газета-журнал ва китоблар чоп этилмоқда. Демак, ўзбек тилига давлат мақоми берилганда ҳам бу муҳим сиёсий-маданий аҳамиятга эга бўлган анъана давом этаверади, ривож топади.

«Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» КПСС платформаси лойиҳасида Совет Иттифоқида яшовчи барча миллат ва элатларнинг тиллари бундан буён ҳам ривожланиб боришига зарур даражада шарт-шароитлар яратилиши ва ҳар бир миллат ҳоҳлаган тилда гапириши, ўз болаларини ҳоҳлаган тилда ўқитиши ва тарбиялаши учун тўла эркинлик берилиши, у ёки бу тилни ишлатишда ҳеч қандай имтиёз, чекланиш ва мажбур қилинишга йўл қўймасликни таъминлаш, халқларнинг қардошларча дўстлиги, ўзаро ишончи тиклаш шароитида иш олиб бориш алоҳида таъкидланган.

Демак, мазкур ҳужжат ленинча миллий сиёсатни тиклаш йўлида, ҳар бир миллат маданияти равнақи йўлида аниқ ҳаётий ва назарий фикрларни жамиятнинг амалий фаолиятига тадбиқ этишда ҳаммамизга бош йўналишдир.

Л. ЯҲЁЕВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Бирлашмада меҳнаткашлар учун барча шароитлар мавжуд. Тўқувчилар ўз саноатий-профилактик ойрисига, болалар боғчаси, маиший хизмат комплекси ва дам олиш масканларига эга. Яқинда ишчиларнинг талаблари инобатга олиниб «Эмоция» медицина кооперативи билан 110 минг сўмлик шартнома тузилди. Эндиликда малакали медиклар тиббий ёрдамга муҳтож кишиларни кўрикдан ўтказишяпти.

Меҳнат коллективи кенгашининг роли ҳам ортиб бораётир. Ёш болали оналар, меҳнат ва уруш ветеранларига, байналмилал жангчиларга кенг имтиёзлар яратиб берилмоқда. Жумладан, навбатда турган 28 имтиёзли ишчини тезроқ уй-жой билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Айни вақтда бирлашмада ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Корхонанинг ишга тушганига 55 йил бўлди. Лекин шу давр мобайнида цехлар қайта жиҳозланган йўқ. 60-йиллар охирида ўрнатилган дастгоҳлар ҳанузга қадар ишлатиляпти. Эски арава билан узоққа бориб бўлмаслигини билган корхона раҳбарлари шу ярим йилликда янги асбоб-ускуналар сотиб олишга ҳамда цехларни қайта жиҳозлашга 293 минг сўм ажратишди. Ҳозирча чет эл дастгоҳларини харид қилишга имконият йўқ. Бирлашма маҳсулотлари фақат мамлакат миқёсида сотилади, холос. Сабаби — тўқимачилар ишлаб чиқарган шойи газламалар сифат жиҳатидан жаҳон бозори талабларига ҳали жавоб бермайди.

Тўла хўжалик ҳисоби афзалликларидан баҳраманд бўла бошлаган корхона аҳлининг нияти — тез орада маҳсулот сифатини яхшилаб, жаҳон бозорига харидоргир ўзбек шойи газламаларини ҳавола этишдан иборат.

А. БОЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЙИЛИГА БИР НЕЧА ҲОСИЛ

Сурхондарё деҳқонлари оралиқ экинларини экишга киришдилар. Бу йил 10 минг гектар эски бедазорлар, шунингдек маккажўхори, сабзавот ва полиз экинлари йиғиштириб олинган ерлар оралиқ экинларига ажратилди.

Термиз районидаги бир қанча хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, рапсни арпа билан аралаштириб, жуда эрта экиш, масалан, ноябрь ойининг охиридаёқ биринчи ўримга тушиш имконини беради, баҳорда эса, чигит экиш олдидан иккинчи ҳосил олинади. Шундай қилиб, ҳар гектар ердан 300 центнер ва ундан кўпроқ кўк масса олиш мумкин. Бу эса чорвачиликни озуқа билан таъминлашда жуда қўл келади.

ҚУРИҚДА СОРГО ЭКИШМОҚДА

Зомин районидаги хўжаликлараро бўрдоқичилик комплекси чорвадорларни келаси йил соргодан мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар. Улар бу йил 50 гектар ердан мўл ҳосил ундиришди ва жўхори билан аралаштириб, икки минг тонна кўк массани сақлаб қўйишди. Ҳали 30 гектар ерга қўл урилгани йўқ — чўлқувварлар бу ерда бўйи 3 метрга етадиган ажойиб ўсимликларнинг уруғини оладилар. Уруғликнинг бир килограмми эса 10 сўм туради. Шундай қилиб, хўжалик анча наф кўради.

• *Янгиликдан хабарингиз борми?*

ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНАДИ

Бугун 1 сентябрда пойтахтимизда янгидан ташкил этилган Тошкент машинасозлик институтида илк бор қўнғироқ чалинади. Бу маскан Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг тегишли факультетлари базасида ташкил этилди.

Янги институт янги сифатга эга. У кадрлар тайёрлашнинг уч босқичли тажрибасинов ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси сифатида фаолият бошлайди. Бундай тайёргарлик элементлари илгари Тошкент политехника институтида мавжуд эди. Лекин бундай кенг миқёсли, узлуксиз техник таълим соҳалари амалда қўлланадиган тажриба-синов ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимизда илк бор тузилмоқда.

Тошкент машинасозлик институтининг биринчи босқичига Тошкент, Андижон, Олмалиқ, Жиззах, Қўқон, Ленинск, Фарғона, Чирчиқ каби шаҳарларнинг 19 ўрта ҳунар техника билим юртлари киритилган. Иккинчи босқичга Қорақалпоғистон АССР, республиканинг етти области ва Тошкент шаҳридаги машинасозлик ихтисосидаги 19 та махсус ўқув юрти киритилган. Учинчи босқич машинасозлик институтидир.

Тошкент политехника институтининг Наманган тармоқлараро филиали ўрнида машинасозлик институтининг республикадаги умумий ўрта таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари учун инженер-педагог ихтисосидаги мутахассислар тайёрловчи филиали очилди.

Тошкент политехника институти ҳузурида ташкил этилган техника ва технологияни ривожлантиришнинг янги йўналишлари бўйича кадрлар малакасини ошириш тармоқлараро институти Тошкент машинасозлик институтига олиб борилади.

Тажриба-синов ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ривожланишининг мустаҳкам пойдевори база корхоналаридир. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, пахтачилик ва пиллачилик учун машиналар ишлаб чиқарувчи бош бошқарма, «Технолог», «Алгоритм» илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари база корхоналаридир.

Институтнинг истиқболи порлоқ. Унинг қайта қуриш имкониятларидан тўла фойдаланишига тилакдошмиз.

Е. ШАИН.

Олий таълим: ўзгаришлар даври

ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ўзининг халқ таълими ходимларининг умуммиттифоқ съездига йўлланган табрикномасида ўқитиш жараёни ва илмий-тадқиқотларнинг самарадорлиги соҳасида туб ўзгаришлар ясаш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим иш эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди ва шу мақсадда халқ таълими системасига тобора кўплаб маблағ ажратиб келинаётганлиги таъкидланди. Ҳақиқатдан ҳам ўқитувчиларнинг ойликлари оширилди. Ҳозир уларнинг ўртача маоши — 197,5 сўмни ташкил этмоқда. 1989 йил сентябридан эътиборан олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ҳам ойликлари анча оширилиши кўзда тутилмоқда. Бу эса ўз навбатида халқ таълими системасини узлуксиз равишда давом эттиришни таъминлашда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Умуман, XII—XIII беш йилликларда халқ таълимига ажратиладиган маблағ 2—3 баравар кўпайтирилиши планлаштирилмоқда. Шу ҳисобдан яқин йиллар ичида 7 миллион квадрат метрга яқин студентлар ётоқхоналари, санаторий-профилакторийлар, соғломлаштириш спорт лагерлари қайта қурилади, ўқув корпуслари қад кўтаради, уларнинг жиҳозланиши яхшиланади. Буларнинг барчаси партия ва давлатимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли амалга оширилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Самарқанд Давлат университети республикамиздаги кекса олий ўқув юртларидан бири. Дорилфунунимиз ўтган 60 йил ичида халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, коммунистик жамиятни қурувчи етук ва баркамол ўғилларни тарбиялаб етказишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келди, халқ хўжалигига 52 мингга яқин юқори малакали кадр тайёрлаб берди.

Ҳозирги пайтда дорилфунунимизда математика, физика, рус филологияси, ўзбек ва тожик филологияси, чет тиллари, химия, амалий математика, тарих, география, биология, ҳуқуқшунослик факультетлари ишлаб турибди. Бу ерда 60 га яқин тармоқ ихтисослари бўйича ҳамда аспирантура, стажировка орқали халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаб бермоқда. Унинг составидаги 70 кафедра, 4 та асосий ва проблемали йирик илмий лаборатория, бир неча тармоқ илмий-тадқиқот лабораторияси, ҳисоблаш маркази ўқув жараёнини ташкил этиш ва илмий-тадқиқотларни бажаришга аудитория дарсларини камайтириш эвазига студентларнинг мустақил ижод қилишлари учун шароит яратилди. Ҳафталик дарслар 46—48 соатдан 24—28 га камайтирилди ва мустақил ишлаш жараёни кучайтирилди, ўз устида ишлашни ёқтирмаган, лаёқатсиз, қарздор бўлиб юрадиган студентлар ўқишдан четлатилди, курсдан-курсга студентлар шартли кўчиртирилмайдиган бўлди. Ўқишга қабул яхшиланди, лаёқатли, ташаббускор, илмга интилувчи, қобилиятли абитуриентлардан студентлар сафига қабул этишга алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда. Уларнинг бир қисмини марказий олий ўқув юртларига юбориш бошланди ва бу соҳанинг келгусида янада яхшиланиши кўзда тутилмоқда. Келажакда чет мамлакатлар олий ўқув юртлари билан ишлаб чиқариш практикаларини валютасиз ўтказишни йўлга қўйиш масалалари амалга оширилади. Бу эса жаҳон миқёсидаги фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибалардан кенг фойдаланиш имконини беради.

Рус тилини ўқитиш методикаси ва илмий атеизм, этика ва эстетика кафедраларини, дисплей хоналар ташкил этиш йўли билан ўқитиш жараёнини мустаҳкамлаш чораларини кўряпмиз. Эндиликда келажакда тупроқшунослик, квант электроникаси, физика, химия фанлари бўйича бир неча йўналишлар: кафедралар ва лабораториялар ташкил этамиз. Жумладан, 1987 йилнинг ўзидаёқ неорганик жисмларнинг технологияси бўйича бўлим очдик ва қабулни бошладик. Бу тадбир эса региондаги ишлаб чиқариш корхоналарини зарур мутахассислар билан таъминлайди. Шу билан бирга экология, табиатни муҳофаза қилиш ва ўсимликларни асраш ҳамда миллатлараро муносабатлар кафедраларини ташкил этдик. Бу кафедралар регионимизда ягонадир.

Биз кенг профилли мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берямиз. Жумладан, физик-инженер, физик-математик, физик-электрик, математик-программист, математик-экономист, биолог-агроном ва шу каби қўшимча мутахассисликлар тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Келажакда мутахассислар тайёрлаш асосан икки катта йўналишда олиб борилади, яъни умумтаълим ва ўрта махсус ўқув юртлари учун ўқитувчилар ва илмий-текшириш институтлари ҳамда корхоналар учун зарур мутахассислар тайёрланади.

Қайта қуриш ва студентларнинг мустақил ишларини юксак талаблар даражасида ташкил қилиш учун университет моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кун тартибидаги долзарб масаладир. Бу ишни амалга ошириш бобида катта қатор чора-тадбирлар кўрилди. Натижада университетнинг янги маъмурий-ўқув корпуси ишга туширилди, университетни қайта жиҳозлаш ва техникалаштириш учун бир миллион тўрт юз эллик минг сўм сарф этилди. Лекин бу ҳали етарли эмас. Вазифа ички резервларни ишга солиш, маҳаллий имкониятлардан фойдаланиб, қўшимча маблағ топиш зарур. Бунинг учун қўшимча хўжалик ташкил этиш, ерни ижарага олиш, шартномалар асосида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш керак. Шу мақсадда регионал информатик маркази— «Менеджер» («Ишчан одам») ташкил қилаётирмиз. Унинг кўпгина йўналишлари ишга туширилди: кундузги-сиртқи мактаб, ЭҲМ курси орқали хўжалик раҳбарлари ва ўқитувчиларни қайта тайёрлашмоқда.

Олий таълимни қайта қуриш бобидаги партия топшириғи бажарилмоқда, унинг янги-янги форма ва методларини излаб топишга ҳаракат қилинмоқда. Студентларимиз ҳам қайта қуриш ишига фаол киришиб кетдилар. Ушбу муҳим соҳада профессор-ўқитувчилар ва студентлар ҳамкорлиги қўл келмоқда.

М. ЖЎРАҚУЛОВ,
СамДУ ректори, профессор.

• *Бўсағадаги ўйлар*

ЎҚИТИШ САВИЯСИ НЕГА ПАСТ?

Мамлакатимиз молиявий ҳаётида жиддий қийинчиликлар бўлишига қарамай миллий даромаднинг салмоқли қисми ҳалқ таълимига сарфланмоқда. Биз, маорифчилар эса бундан қаноатланаётганимиз йўқ. Анжуманларда сўз берилгудек бўлса, етишмовчиликлар, муаммолар ҳақида гапиришга уста бўлиб кетдик. Бироқ ишда ҳам, гапда ҳам меъёр бўлмоғи лозим. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, биз халқ таълими ходимлари ғамхўрликка жавоб бера олянмизми? Давлатимизнинг шу соҳага сарфлаётган маблағлари мўлжалдаги самарани бераётирми? Шахсан мен бу саволларга дангал ижобий жавоб бера олмайман. Умумтаълим мактабларидан тортиб олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларнинг билим даражалари, малака ва меҳнат кўникмалари бугунги ҳаёт талаблари даражасидан ғоят орқада экани ҳамма ерда рўй-рост тан олинмоқда.

Ўтган ўқув йилида мен директор бўлиб борган 25-ўрта мактабда ҳам аҳвол шундай экан. Боланинг билимига яраша баҳо қўйиш ҳақидаги ташвиқотларим самара бермади. «Икки қўйверинг. Аммо қўшимча дарс бериб, отпускангизни яримта қилиб, шу болаларни ўзлаштирганлар қаторига етказасиз!» деган гап ўқитувчиларни чўчитиб қўйди.

Шубҳасиз, ҳамма нарсани бирдан ўзгартириб бўлмайди. Лекин юқори синфдаги боланинг ҳарф танимаслигига бошланғич синф ўқитувчиси айбдор эмасми? Асосий эътиборни бошланғич синфларга қаратдим. 1—3 синфларни синфдан-синфга кўчириш учун комиссия тузилди. Комиссия аъзоларидан ўқувчиларни ҳаққоний баҳолаш илтимос қилинди.

Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш шу комиссия хулосаси асосида ўтказилди. Мавжуд 6 та бошланғич синфдан 13 ўқувчи аввалги 3 та чоракдан уч баҳо олган. Гарчанд инструкцияга зид бўлса-да, улар синфда қолдирилди. Болалари синфда қолган ота-оналар биринкетин менга учрашдилар. Уларнинг айримлари боласини синфдан кўчириб қўйишимизни ялиниб-ёлвориб илтимос қилишди, баъзилари эса ҳамма айбни ўқитувчилар зиммасига юклашди, кимдир «боламни кўчирмасанг, осмонни устингга ташлаб юбораман» қабилида пўписа қилди. «Хайрият, ҳақиқат ҳам бор экан-ку! Жуда тўғри қилибсизлар. Майли, икки йил бўлса ҳам, уч йил бўлса ҳам саводи чиққунча бир синфда ўқисин», деган ота-оналар ҳам бўлди. Биз барча ота-оналарга болаларини яхши ният билан синфда қолдирганимизни тушунтирдик.

Ўн уч боланинг ўз синфида қолиши бошқа ўқувчиларнинг ҳам масъулиятини оширди. Уларда «яхши ўқимасам ўртоқларимдан орқада қолар эканман» деган фикр уйғонди. Ота-оналар ҳам сергаклашиб қолишди.

Хўш, бугун юқори синфларда ҳарф танимайдиган, ўнгача санашни билмайдиган ўқувчилар бўлишига фақат ўқитувчилар-у ота-оналар сабабчими? Йўқ! Бунинг бош сабабчиси бошқа ерда. Ҳозирча бу айбдорни излаганимиз ҳам, танбеҳ берганимиз ҳам йўқ. Бола мактабда ўқишга ақлий ва жисмоний яроқсиз бўлса ҳам справкага «соғлом» деб имзо чеккан врач бош айбдор эмасми?!

Мен ана шундай врачларнинг бирига «Сизни судга бераман» дедим. «Нега?» деди у ҳайратланиб. Унга еттинчи синфда ҳарф танимайдиган бола бўлишига бош айбдор врач эканлигини исботлаб бердим. 14 ёшли соғлом бола мактаб кўрмаса ҳам чексиз сонгача санашни билиши мумкинлигини айтдим. У тан олиб ҳайратга тушди:

— Бизга ҳам осон тутманг биродар. Август ойининг иккинчи ярмидан бошлаб кунига битта врач икки юзлаб болани кўрикдан ўтказиши керак. Илож қанча. Очиғи, кўриб-кўрмай қўл қўйиб бераверамиз.

— Ахир бу расмиятчилик эмасми?

— Албатта расмиятчилик. Расмиятчилик биргина шуми? Тўлиб-тошиб ётибди.

Бу суҳбатдан кўриниб турибдики, врачга мактабга кираётган болани ҳаққоний текширишдан ўтказиш масъулиятини юклаш ва уларга етарли шароит яратиб бериш керак. Ўз навбатида ўқитувчига ҳам педагогик ва психологик талабларга жавоб берадиган ўқувчини танлаб олиш имконини бериш лозим.

Натижа ёмон бўлмади. Мактабимиздаги мавжуд 3 та биринчи синфда барча ўқувчиларимиз дурустгина саводхон бўлиб қолдилар. 4—8 синфларимизда дурустроқ ўқиш-ёзишни билмаган талайгина ўқувчиларимиз борлигини ҳижолатли ҳолда тан олиш билан бирга, 73 нафар 1-синф ўқувчимиз орасида ўқиш-ёзишни билмайдиган бирорта ўқувчи йўқлигидан фахрланамиз. Бу ютуқ фақат юқоридаги тадбирнигина эмас, 1-синф ўқитувчилари Маҳбуба Қодирова, Сафия Юсупова, Турдимамат Нурохуновларнинг ўзаро мусобақа асосидаги фидойи меҳнатлари самараси ҳамдир.

Чорак асрдан ошяптики, мантиқсиз ҳолатларга дуч келсак ҳам кўз юмиб ўтадиган бўлиб қолдик. Масалан, ўн йил давомида мактабнинг фахру ғурури бўлиб юрган ҳатто олтин медалга сазовор бўлган ўқувчи олий ўқув юртига имтиҳон топширишда қониқарсиз баҳо олади. Бу ҳол учун лом-мим дейдиган одам топилмайди. Қонун кўзи билан қарайдиган бўлсак, бир ўқувчига бир фандан бу даражада фарқ қиладиган баҳо қўйишда ҳатто жиноий иш кўзғашга арзигулик ҳаракат кўриниб турибди: аслида ё икки, ё аъло баҳо қўйган ўқитувчидан бири жазоланиши керак. Мен ҳозир ноҳақ баҳоси учун жазо олган ўқитувчини билмайман. Бу эса олий ўқув юртларидаги айрим нопок кишилар эгри мақсадларини амалга оширишга қўл келяпти.

Халқимизда: «Сувни сингган ерга сепиш керак», деган гап бор. Назаримда, мактаб директорини сайлашни шарт қилиб қўйиш ҳам яхши самара бермаяпти. Демократия ва сайловни шу саъй-ҳаракатга муносиб коллективларда жорий қилиши лозимга ўхшайди. Кўпчилик коллективлар жонкуяр, билимдон, талабчан кишиларни ўзларига раҳбарликка лойиқ кўришмаётир. Ҳатто ўз дарсини қувончли ўтолмайдиган, журъатсиз ва лаёқатсиз кишилар мактаб раҳбари бўлиб қолишмоқдаки, бундай коллективни соғлом коллектив деб бўлмайди. Шундай экан директорни тайинлаш принципини сақлаб қолмоқ керак. Фикримизча, ўқитувчи ишига баҳо бериш ҳамда унинг маошини белгилашда ўқувчининг билим даражаси асосий мезон бўлмоғи лозим.

А. НАЗАРОВ,
Балиқчи районидаги Низомий номли 25-ўрта мактаб директори.

Неваралар қувончи

— Ҳар бир неварамнинг олам-олам қувончи менга беҳад шод этади.

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида кўп йиллар ишлаб бугунги кунда кексалик ғаштини сураётган Матлуба Бувн Абдурақмонова ҳамиша шу сўзни тилга олади. Негаки унинг 16 невараси мактабларда таҳсил кўрмоқда.

Суратда: Матлуба бувн невараларини мактабга кузатмоқда.

Суратни Р. АЛЬБЕКОВ олган.



Диққат: тажриба

Бошланиши яхши...

Бугунги кунда фан, техника, ишлаб чиқаришнинг мутгасил ўсиб бораётган талабларига жавоб бера олувчи юксак малакали мутахассислар тайёрлаш асосий вазифадир. Шу мақсадда яқинда Нукус қурилиш техникумида синов-конструкторлик бюроси иш бошлади. 12 та синов конструкторлик группаси барча мутахассислик ва дарсларни қамраб олди. Чунки бундай иш услубига ҳамма жойда ҳам иш топилади. Ҳар бир ижодий группага предмет ёки туркум комиссияларинг раислари, тўғарак раҳбарлари — ўқитувчилар бошчилик қилаётир.

Синов-конструкторлик ишларининг асосий вазифаси таълимни ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш, меҳнат тарбиясини такомиллаштириш, студентларнинг касб-маҳорат кўникмаларини жадаллаштириш, уларнинг бўш вақтини оқилона ташкил этиш, техникумнинг ўқув-моддий базасини кенгайтириш, тажриба-конструкторлик, илмий тадқиқот лойиҳалари ва бошқа ишларни бажаришдан иборат.

Бюро хўжалик ҳисоби шароитида ишламоқда. Шу кунгача бюро ҳисобига 30 минг сўмга яқин маблағ тўпланди. Йил охиригача яна шунча маблағ ишлаш кўзда тутилмоқда.

Синов-конструкторлик бюроси турли буюртмачиларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқмоқда. Ана шундай буюртмачилар орасида Нукус райони, «Престиж» кооперативи, 2528—автобаза, Нукусдаги алкоголсиз ичимликлар заводи, пионерлар ва ўқувчилар саройи, қишлоқ хўжалик техникуми, политехникум ва бошқалар бор. Бундан ташқари ўз билим юртимиз учун ҳам озмунча ишни адо этмадик. Жумладан, ўқитувчи ва студентларнинг эскизи бўйича ётоқхоналар учун мебеллар ясалди. Асосийси, бу жиҳозлар арзон ва қулай материаллардан ишланди, вақт ҳам тежаб қолинди.

Синов-конструкторлик бюросининг иши ҳар томонлама қулай бўлаётир. Аввало, ўқитувчи ва студентларнинг, корхона ва ташкилотларнинг буюртмаси бўйича диплом лойиҳаларини адо этмоқдалар. Кейинчалик лойиҳа иш корхонанинг ўзида жорий этилади. Бу касб маҳоратини оширишга хизмат қилаётир.

Техникумнинг У. Абдакимов, М. Разенова, Ж. Ортиқов, А. Кулумбетов, Х. Мусақулова, Т. Аметов, Б. Турдишев, М. Сейтниёзов сингари ўқитувчилар ва Е. Мустафин, Ш. Аламинов, Р. Жақсимуротов, А. Айтенов, С. Ерекеев, С. Ерботиров, Ш. Толемисов каби студентлар бюро ишларини адо этишда жонкуярлик қилмоқдалар.

Бу соҳада муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Кўпайтириш техникаси, оддий микрокалькуляторлар, электрон ҳисоблаш машиналари, янги техника ва норматив адабиётлар, чизув асбоблари ҳаводай зарур. Агар улар ҳал этилса ишимиз самарадорлиги бир неча бор ортган бўларди.

Биз шу кунларда ўқув юртимизда мебель тайёрлаш цехини очиш ташвиши билан юрибмиз. Ўйлаймизки, бу орзуимиз амалга ошади.

Т. АТАМУРОТОВ,
Нукус қурилиш техникуми директори, ҚҚАССР ўрта махсус ўқув юртлари директорлари кенгаши раиси.

ТУЗАТИШ

Газетанинг 30 август сонида босилган «Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови ҳақида»ги Қонун лойиҳасининг:

48-моддаси 2-абзаци пастдан иккинчи сатридаги ва 52-моддасининг 2-абзаци пастдан иккинчи сатридаги «номзод этиб сайланган» сўзлари «номзод сайланган» деб ўқилсин.

ХУШХАБАРЛАР

Сурхондарё областининг Бойсун ва Сариосиё районлари ҳунар-техника билим юртларида тожик тили группалари тузилди. Бу тасодифий эмас — мазкур районлар аҳолисининг катта қисмини тожиклар ташкил этади.

Бойсун билим юртларида бўёқчилар ва маҳаллий шойи тўқиш фабрикаси учун тўқувчилар ва Сариосиё билим юртларида дурадгорлар ва тикувчи-мотористкалар тайёрланади.

Маҳаллий халқ таълими органлари тожик тилидаги умумтаълим фанлари дарсликларини мазкур билим юртларига тақдим этишди. Бироқ махсус фанларга оид адабиётларни топишда қийинчиликлар бор. Республикамиздаги тегишли ташкилотлар ана шу ишда ёрдам беришлари керак.

* * *

Биринчи сентябрь куни Ўзбекистон пойтахтининг Сергели районида 1250 ўринга мўлжалланган янги мактаб ўз эшикларини очади. У янги турар-жойларда истиқомат қилаётган болаларга таълим бериш муаммосини ҳал этишда кўмаклашади.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 37-мактаб учун ҳам бу ўқув йили дастлабки ўқув йили бўлади. Шаҳардаги кўп мактаблар қўшимча қурилишлар туфайли кенгайтирилди.

(ЎзТАГ).

Сиз нима дейсиз?

ЎҚИТУВЧИ ИҚТИДОРИ

Мутахассислик тақозоси билан республикамизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқлари мактабларида бўлишимизга тўғри келади. Мактаблар ҳаёти билан танишиш, дарсларда бўлиш, республикамиз халқ таълими системасининг бугунги асосий нуқсонлари, камчиликлари ниманадан иборат эканлиги ҳақида айрим мулоҳаза, хулосалар қилишга имкон беради. Интизомнинг жуда бўшлиги, ўқувчилар орасида чекувчилар сонининг ортгани, ҳатто нчувчи, гиёҳвандларнинг пайдо бўлиши, албатта, ташвишли ҳол. Юқори синф ўқувчилари томонидан физика, математика, астрономия фанларн ўзлаштирилишининг таҳлили кўпчилик ўқувчиларнинг билим доираларн ниҳоятда торлигини, дунёқарашн ва савияси пастлигини кўрсатди.

Бу борада, айниқса, пойтахт мактабларининг юқори синфларидаги аҳвол ташвишли. Бундай синфларда педагогикада «қийин болалар» деб ном олганларнинг шу синф ўқувчиларининг нормал билим олиши ва тарбияланишига халақит қилиши ҳамда уларнинг бошқаларни ўзларига эргаштиришлари ачинарли ҳолдир. Аксарият ҳолларда бундай синфларда дарс ўтиш ўқитувчилар учун руҳий зўриқиш, куч талаб қилади. Ёш, янги ишга тушаётган малакасиз ўқитувчилар учун эса шароитнинг ноқулайлиги дарс ўтишга унн бутунлай ожиз қилиб қўяди.

Бундай ҳолнинг вужудга келишига бошқариш учун ўнғай бўлган олдинги ихчам мактаблар ўрнига, қурилиши кейинги йилларда авжга чиққан, кўп минг сонли ўқувчиларга мўлжалланган мактаблар пайдо бўлиши — сабаб бўлди. Мазкур мактабларда ўқувчиларни таниш у ёқда турсин, ҳатто ўқитувчилар ҳам бир-бирларини яхши таниб ўргана олишлари ва ўзаро тил топишиб, ўқув-тарбиявий масалалар бўйича ўз фаолиятларини ягона мақсадга қаратишлари ҳам маълум қийинчиликлар билан кечади. Натижада чекувчи, баъзан эса нчувчи ёшларнинг пайдо бўлганини мактаб раҳбарлари ҳам сезмай қоладилар. Ихчам мактабларда эса бундай ҳол фавқулодда ҳодиса сифатида қаралиб, тезда олди олинган бўлар эди. Макаренко мактаб коллективи учун энг мақбул вариант сифатида 800 ўқувчидан иборат коллективни кўрсатган эди. Илмий-техникавий тараққиёт ва ахборот оқими селга айланган давримизда мактаб коллективини бошқаришнинг мураккаблашгани эвазига, коллектив сонини 500—600 нафаргача тушириш яхши натижалар бериши мумкин.

Маориф соҳаси ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан жуда катта куч, чидам, шижоат талаб этиши бу системада ишлайдиган ҳар бир кишига аён. Шу маънода бу соҳага қўплаб хотин-қизларнинг жалб қилиниши ва эркакларнинг маълум маънода «сиқиб чиқарилиши» ўзининг салбий натижаларини кўрсатди чоғи. Кейинги йилларда марказий матбуотда мамлакат миқёсида мактабларда ўқув-тарбиявий ишларининг самарадорлигини ошириш учун халқ таълими системасига эркакларни қайтариш лозимлиги масаласи кўтарилляпти.

Маҳаллий раҳбарлар мактабнинг жамият олдидаги кадрлар тайёрлашдек муҳим вазифасини унутиб, унга ишлаб чиқаришсиз тармоқ деб қараб, эътибордан четда қолдирдилар. Унинг муаммолари, камчиликлари билан қизиқиб, вақтида ёрдам қўлини чўзмадилар. Энг ачинарлиси, аксарият ҳолларда ўқув-тарбиявий ишларнинг нормал кетишига тўсқинлик қилдилар. Юқори синфларда «қийин бола»лар сонининг ортиши масаласида айб ўқитувчиларда. Гап шундаки, бугунги кун ўқитувчиларнинг кўпчилиги замон талабига жавоб бермайди. Маориф соҳасида рўй берган турғунлик, мазкур система муаммоларига, аввало кадрлар тайёрлаш масаласига панжа ортидан қараш оқибатида мактабларимиз ҳалигача савод ўқитувчиларга тўлиб кетди. Табиийки, уларнинг дарслари зерикарли ўтади. Бунга сабаб телевидение, радио ва матбуот ҳар куни болаларни янги-янги маълумотлар билан қуроллантираётган бир пайтда ўқитувчи берадиган маълумот дарслик материалларидан нариги ўтмай, на мазмуни, на кўргазмалилиги билан олдинга ўтолмаётганидадир. Шу боис, дарснинг қизиқарли бўлиши ҳозирги давр ўқитувчисидан чуқур билимли, кенг мушоҳадали бўлишни талаб этади.

Ўқитувчидаги одамийлик, олижаноблик фақат мактабдагина эмас, балки методик ва илмий адабиётлар билан кундалик танишиш пайтида шаклланади. Шу боисдан ўқитувчининг мустақил ўқиши, ўз устида ишлаши учун бўш вақт билан таъминлашга маориф ходимлари алоҳида аҳамият беришлари зарур. Ўқитувчининг маънавий бойишга нисбатан эҳтиёжи қанча катта ва буни қондириш учун қанча кўп имконият яратилган бўлса, у бу хусусиятлар билан ўз ўқувчиларини шунча тез ва кўп «таъминлаши» мумкин.

Замон талабига жавоб бера оладиган ўқитувчи кадрларни тайёрлаш масаласида жамиятимиз педагогика олий ўқув юртлари олдига кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўйяпти. Бу ҳақда халқ таълими ходимларининг Бутуниттифоқ съездида ҳам таъкидлаб ўтилди. Шу сабабли педагогика институтларига қабул қилишнинг мавжуд системасига сезиларли ўзгартишлар киритиш яхши натижалар бериши мумкин. Бунда абитуриентнинг танлаган мутахассислиги бўйича махсус комиссиянинг суҳбатидан ўтиши жуда муҳим.

Педагогика олий ўқув дарғоҳи бошқа олий ўқув юртларидан фарқли ўлароқ, ўз талабаларига фан асосларини беришдан ташқари, уларда умуминсоний сифатларни, юқори маданият ва интеллектуалликни, маълум предметни ўқитишида таълим ва тарбиянинг мазмуни, уларни шакллантириш сирларини ўргатади. Бўлажак ўқитувчида шу сифатлар тўла мужассамлашган бўлиши қатъий талаб этилади. Ўқитувчи жамиятимизнинг энг маълумотли ва маданиятли кишиси сифатида танилмоғи лозим. Фақат ва фақат шундагина, маориф системаси ўз тараққиётининг турғунлик йилларидаги орттирган иллатларидан қутулади ва бу мазкур системанинг қайта қуриш масалалари бўйича партия ва ҳукуматимиз қабул қилган тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан амалий жавоби бўлади.

М. МАМАДАЗИМОВ,
Тошкент давлат университетининг доценти.

М. НУРМАТОВ,
ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси.

ДУГОНАЛАР УЧРАШГАНДА

Чироқчи шаҳридаги Вишневский номли рус ўрта мактаби бешинчи синф ўқувчилари номига Украина ССР Волинь областига қарашли Виницкий райони Луковичи қишлоғидаги ўрта мактабнинг бешинчи синф ўқувчиси Анна Недбайлодан дўстлик алоқалари ўрнатишга иштиёқ. пионерлик мулоҳазалари, қардош тенгдошлар ҳаётига қизиқиш сатрлари битилган хат келди. Мактубга жавоб ёзганлардан биринчиси эса Муҳаббат Ўтаева бўлди.

Шундай қилиб, узлуксиз ёзишмалар бошланди. Давом этаётган мактуб алмашишларда ҳар иккала мактабдаги янгиликлар, фанлардан ўзлаштириш соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар ифодаланар, Чироқчи ва Луковичидаги, Виницкийдаги ўзгаришлар тилга олинар, бошланган дўстликни мустаҳкамлашга даъватлар баён этиларди. Дугоналар бир-бирига фотосуратлар юборишар, пионер ташкилотида қилинаётган ишлар тўғрисида ҳикоя қилишар, интернационал дўстлик клуби фаолияти юзасидан тажрибалар алмашишарди.

1963 йили чироқчилик Муҳаббат Ўтаева ўрта мактабни муваффақиятли тугаллаб, етуклик аттестати олди. Уша йили у Ҳамид Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди. Олий маълумотли бўлгач, турмушга чиқиб, 1969 йилда Яккабоғ районидаги Жийда қишлоғига келди. Негадир кейинги бир неча йиллар давомида Муҳаббат билан Анна ўртасидаги алоқалар узилиб қолди.

Муҳаббат Ўтаева «Партия XXIV съезди» колхози территориясидаги Ғафур Ғулом номли ўрта мактабда дарс бериб юрар экан, уларнинг уйига бир солдат меҳмон бўлиб келди. Райондаги Энгельс номли колхозидан жўнаб, Совет Армияси сафларида хизмат қилаётган Хушвақт Бойматов Анна Недбайлодан хат олиб келибди. Шу куни Муҳаббатнинг ҳаяжони ичига сиғмади.

Дўстлик мактублари қайтадан қанот қоқди. Янгидан алоқа боғланган вақтда Муҳаббат беш нафар фарзандга она, Анна эса ҳарбий офицернинг севикли рафиқаси, икки ўғилнинг онаси, касаба союз ташкилотчиси эди.

Ўтган йилнинг мартида Муҳаббат ва унинг турмуш ўртоғи меҳмонга боришди.

— Дугонам бизни шундай ҳаяжон билан қарши олдики, — дейди Муҳаббат, — буни таърифлаб беришдан ожизман. Аннанинг турмуш ўртоғи, ота-онаси ва икки ўғлининг қувонишганини айтмайсизми? Биз шаҳар айланиб томоша қилдик. Инрик шаҳар ўзининг гўзаллиги, кишиларининг одамохунлиги ва маданиятлилиги билан бизни беҳад мамнун этди.

Эндиликда ҳар иккала дугонагина эмас, балки уларнинг фарзандлари ҳам дўстлик мактублари орқали тез-тез учрашиб туришибди. Ҳар бир учрашув ва мароқли суҳбат эса қадрдонларнинг кўксини тоғдай кўтармоқда.

А. КАРИМОВ.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

Ўзбекистон ССР 1989 йилги пул-буюм лотереяси тўртинчи чиқарилиши бўйича 25—26 августда Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

4 ЧИҚАРИЛИШИ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг беш разрядига умумий суммаси 1.062000 сўм бўлган 730 та буюм ва 287270 та пул ютуқлари ўйналди.

Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разрядига ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядларидаги шундай серия ва номерларга эга бўлган билетларига ҳам тўланади.

Масалан, серия номери 056517, билет номери 080 бўлган лотерея билети «Жигули ВАЗ-21063» автомашинасини ютганлиги кўрсатилган. Бу—худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва номерли билетларга ҳам чиқанлигини билдиради.

Бошқа буюм ва пул ютуқлари ҳам шундай тартибда ўйналган. Серия номери ва билет номери қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди.

Серия номерлари	Билет номерлари	Ютуққа чиққан буюмларнинг номи ва пул ютуғининг миқдори	Ютуққа чиққан буюмнинг нархи (сўм, тийин)
053118	056*)	250 сўм пул ютуғи	—
053178	188*)	Электр шарбатсиққич	25—00
053190	091*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
053226	061*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
053228	061*)	1000 сўм пул ютуғи	—
053236	193*)	50 сўм пул ютуғи	—
053237	145*)	200 сўм пул ютуғи	—
053238	138*)	250 сўм пул ютуғи	—
053261	069*)	250 сўм пул ютуғи	—
053274	128*)	250 сўм пул ютуғи	—
053277	089*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
053293	160*)	1000 сўмлик пул ютуғи	—
053294	112*)	100 сўм пул ютуғи	—
053349	005*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
053356	182*)	1000 сўм пул ютуғи	—
053388	083*)	Гилам (2×3 м. арт. 13-85)	450—00
053404	184*)	200 сўм пул ютуғи	—
053425	134*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
053426	021*)	50 сўм пул ютуғи	—
053445	085*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
053488	088*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
053505	008*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
053508	052*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
053581	193*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
053609	132*)	200 сўм пул ютуғи	—
053638	124*)	Электр шарбатсиққич	25—00
053641	125*)	250 сўм пул ютуғи	—
053648	032*)	100 сўм пул ютуғи	—
053654	138*)	500 сўм пул ютуғи	—
053660	055*)	Турстик чодир (2 ўринли)	70—00
053668	033*)	300 сўм пул ютуғи	—
053711	111*)	«Рекорд-Ц-275» телевизори	720—00
053734	125*)	Полос (2х3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
053756	086*)	250 сўм пул ютуғи	—
053757	170*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
053779	114*)	500 сўм пул ютуғи	—
053780	134*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
053847	019*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
053850	067*)	100 сўм пул ютуғи	—
053883	047*)	«Рига-24-Дельта» мопеди	245—00
053924	156*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
053958	1-200	25 сўм пул ютуғи	—
053969	097*)	Электр шарбатсиққич	25—00
054025	137*)	Электр шарбатсиққич	25—00
054032	078*)	250 сўм пул ютуғи	—
054033	068*)	300 сўм пул ютуғи	—
054042	168*)	50 сўм пул ютуғи	—
054044	030*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
054062	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
054066	187*)	100 сўм пул ютуғи	—
054097	035*)	200 сўм пул ютуғи	—
054144	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
054159	060*)	Электр шарбатсиққич	25—00
054192	155*)	«Сонет» электрофони	220—00
054193	039*)	Гилам (2×3м. арт. 13-85)	450—00
054197	075*)	50 сўм пул ютуғи	—
054218	107*)	300 сўм пул ютуғи	—
054276	190*)	50 сўм пул ютуғи	—
054280	1-200	5 сўм пул ютуғи	—
054315	088*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
054343	003*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
054348	040*)	250 сўм пул ютуғи	—
054361	173*)	50 сўм пул ютуғи	—
054362	067*)	«Спектр-Ц-280» телевизори	755—00
054375	103*)	250 сўм пул ютуғи	—
054418	171*)	50 сўм пул ютуғи	—
054427	182*)	250 сўм пул ютуғи	—
054441	018*)	Гилам (2×3 м. арт. 13-85)	450—00
054468	119*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
054525	092*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
054530	092*)	50 сўм пул ютуғи	—
054563	044*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
054564	165*)	300 сўм пул ютуғи	—
054569	076*)	300 сўм пул ютуғи	—
054633	165*)	1000 сўм пул ютуғи	—
054649	055*)	«Рекорд-Ц-275» телевизори	720—00
054663	176*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
054665	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
054671	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
054679	176*)	50 сўм пул ютуғи	—
054715	061*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
054727	142*)	300 сўм пул ютуғи	—
054764	146*)	300 сўм пул ютуғи	—
054765	188*)	Гилам (2×3) м. арт. 13-85)	450—00
054858	071*)	50 сўм пул ютуғи	—
054904	103*)	250 сўм пул ютуғи	—
054918	081*)	100 сўм пул ютуғи	—
054967	042*)	100 сўм пул ютуғи	—
054976	010*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
054988	060*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
054995	101*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
055007	035*)	«Сонет» электрофони	220—00
055071	140*)	300 сўм пул ютуғи	—
055072	110*)	100 сўм пул ютуғи	—
055079	161*)	50 сўм пул ютуғи	—
055139	074*)	«Жигули» ВАЗ-2108 автомашинаси	8462—00
055243	122*)	«Рекорд-Ц-275» телевизори	720—00
055249	170*)	«Сонет» электрофони	220—00
055257	058*)	«Циклон» пилесоси	56—00
055275	150*)	«Рига-24-Дельта» мопеди	245—00
055325	179*)	«Спектр-Ц-280» теливизори	755—00
055339	098*)	«Циклон» пилесоси	56—00
055346	080*)	«Урал» ИМЗ-8103 мотоцикли	1862—00
055370	145*)	500 сўм пул ютуғи	—
055400	183*)	«Сонет» электрофони	220—00
055419	193*)	250 сўм пул ютуғи	—
055435	184*)	500 сўм пул ютуғи	—
055454	129*)	100 сўм пул ютуғи	—
055469	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
055517	032*)	250 сўм пул ютуғи	—
055536	141*)	200 сўм пул ютуғи	—
055546	038*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
055581	005*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
055604	1-200	25 сўм пул ютуғи	—
055628	123*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
055644	191*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
055662	050*)	«Сонет» электрофони	220—00
055679	071*)	«Урал»ИМЗ-8103 мотоцикли	1862—00
055685	1-200	25 сўм пул ютуғи	—
055713	074*)	«Жигули» ВАЗ-2108 автомашинаси	8462—00
055717	030*)	1000 сўм пул ютуғи	—
055723	177*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
055743	048*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
055749	153*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
055878	1-200	5 сўм пул ютуғи	—
055883	049*)	50 сўм пул ютуғи	—
055898	145*)	Турстик чодир (2 ўринли)	70—00
055916	115*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
055969	047*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
055982	073*)	Электр шарбатсиққич	25—00
055989	181*)	500 сўм пул ютуғи	—
055996	145*)	250 сўм пул ютуғи	—
056016	195*)	100 сўм пул ютуғи	—
056070	091*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
056078	024*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
056082	161*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
056083	061*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
056092	196*)	300 сўм пул ютуғи	—
056107	096*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
056115	149*)	250 сўм пул ютуғи	—
056133	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
056137	120*)	100 сўм пул ютуғи	—
056141	043*)	300 сўм пул ютуғи	—
056157	015*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
056178	115*)	300 сўм пул ютуғи	—
056191	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
056195	096*)	200 сўм пул ютуғи	—
056203	042*)	Гилам (2×3 м. арт. 13-85)	450—00
056237	038*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
056257	023*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
056268	056*)	300 сўм пул ютуғи	—
056283	122*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
056284	150*)	500 сўм пул ютуғи	—
056288	031*)	200 сўм пул ютуғи	—
056310	192*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
056327	052*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
056351	131*)	250 сўм пул ютуғи	—
056442	032*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
056517	080*)	«Жигули» ВАЗ-21063 автомашинаси	9023—00
056542	074*)	100 сўм пул ютуғи	—
056576	150*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
056631	113*)	250 сўм пул ютуғи	—
056640	110*)	50 сўм пул ютуғи	—
056641	032*)	Электр шарбатсиққич	25—00
056644	052*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
056662	142*)	200 сўм пул ютуғи	—
056667	131*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
056691	125*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
056698	141*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
056736	130*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
056748	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
056779	175*)	«Сонет» электрофони	220—00
056810	155*)	«Рига-24-Дельта» мопеди	245—00
056845	050*)	500 сўм пул ютуғи	—
056865	185*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
056888	117*)	«Жигули»ВАЗ-21063 автомашинаси	9023—00
056909	047*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
056939	012*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
056954	110*)	Полос(2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
057008	064*)	«Сонет» электрофони	220—00
057011	002*)	100 сўм пул ютуғи	—
057012	161*)	«Жигули» ВАЗ-2108 автомашинаси	8462—00
057019	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
057023	164*)	100 сўм пул ютуғи	—
057025	021*)	50 сўм пул ютуғи	—
057078	034*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
057081	089*)	500 сўм пул ютуғи	—
057091	083*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
057103	132*)	100 сўм пул ютуғи	—
057115	030*)	500 сўм пул ютуғи	—
057116	177*)	«Рига-24-Дельта» мопеди	245—00
057165	024*)	50 сўм пул ютуғи	—
057174	113*)	250 сўм пул ютуғи	—
057199	042*)	50 сўм пул ютуғи	—
057237	099*)	50 сўм пул ютуғи	—
057263	008*)	Электр шарбатсиққич	25—00
057280	067*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
057302	129*)	1000 сўм пул ютуғи	—
057351	096*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
057364	020*)	Электр шарбатсиққич	25—00
057397	014*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
057434	133*)	200 сўм пул ютуғи	—
057512	027*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
057546	059*)	500 сўм пул ютуғи	—
057561	127*)	200 сўм пул ютуғи	—
057575	049*)	200 сўм пул ютуғи	—
057600	127*)	«Циклон» пилесоси	56—00
057607	105*)	«Циклон» пилесоси	56—00
057609	109*)	500 сўм пул ютуғи	—
057613	1—200	25 сўм пул ютуғи	—
057614	183*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
057642	007*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
057669	115*)	500 сўм пул ютуғи	—
057677	070*)	100 сўм пул ютуғи	—
057718	040*)	100 сўм пул ютуғи	—
057729	196*)	Гилам (2×3 м. арт. 13-85)	450—00
057776	113*)	Гилам (2×3 м. арт. 13-85)	450—00
057794	096*)	1000 сўм пул ютуғи	—
057811	033*)	«Циклон» пилесоси	56—00
057826	1—200	5 сўм пул ютуғи	—
057828	143*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
057851	100*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
057885	148*)	«Циклон» пилесоси	56—00
057904	046*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
057915	099*)	«Циклон» пилесоси	56—00
057966	145*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
057982	115*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
057988	097*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
058003	046*)	200 сўм пул ютуғи	—
058034	152*)	«Урал» ИМЗ-8103 мотоцикли	1862—00
058054	135*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
058061	189*)	200 сўм пул ютуғи	—
058062	079*)	200 сўм пул ютуғи	—
058131	188*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
058186	133*)	1000 сўм пул ютуғи	—
058188	182*)	200 сўм пул ютуғи	—
058203	056*)	100 сўм пул ютуғи	—
058207	023*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
058258	1—200	10 сўм пул ютуғи	—
058276	173*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
058304	103*)	250 сўм пул ютуғи	—
058310	061*)	200 сўм пул ютуғи	—
058321	029*)	200 сўм пул ютуғи	—
058356	1—200	5 сўм пул ютуғи	—
058369	099*)	100 сўм пул ютуғи	—
058370	045*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
058372	108*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
058374	101*)	1000 сўм пул ютуғи	—
058384	104*)	500 сўм пул ютуғи	—
058385	066*)	300 сўм пул ютуғи	—
058407	167*)	100 сўм пул ютуғи	—
058419	069*)	«Жигули» ВАЗ-21063 автомашинаси	9023—00
058423	034*)	200 сўм пул ютуғи	—
058427	019*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
058438	063*)	«Сонет» электрофони	220—00
058439	195*)	1000 сўм пул ютуғи	—
058451	041*)	50 сўм пул ютуғи	—
058474	043*)	50 сўм пул ютуғи	—
058475	117*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
058495	151*)	100 сўм пул ютуғи	—
058506	083*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
058516	164*)	200 сўм пул ютуғи	—
058529	043*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
058559	016*)	Электр шарбатсиққич	25—00
058563	1—200	5 сўм пул ютуғи	—
058570	083*)	500 сўм пул ютуғи	—
058588	173*)	«Циклон» пилесоси	56—00
058616	138*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
058680	028*)	200 сўм пул ютуғи	—
058708	013*)	«Спектр-Ц-280» телевизори	755—00
058742	1—200	25 сўм пул ютуғи	—
058744	191*)	50 сўм пул ютуғи	—
058769	083*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
058784	168*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
058820	029*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
058837	029*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
058849	192*)	300 сўм пул ютуғи	—
058858	196*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
058861	036*)	250 сўм пул ютуғи	—
058881	172*)	500 сўм пул ютуғи	—
058888	058*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
058906	012*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
058922	152*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
058946	011*)	Гилам (2×3м. арт 13-85)	450—00
058950	179*)	«Рекорд-Ц-275» телевизори	720—00
058957	030*)	300 сўм пул ютуғи	—
058972	009*)	200 сўм пул ютуғи	—
058999	022*)	100 сўм пул ютуғи	—

*) Шу серидаги билетларнинг қолган 199 номерига 1 сўмдан пул ютуғи чиқди.

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ:

1. Буюм ютуғи чиққан билетнинг эгаси хоҳласа шу буюмнинг қийматини нақд пул билан олиши мумкин.

2. «Жигули — ВАЗ-21063, 2108 автомашиналари, «Урал» ИМЗ,—8 103 мотоциклари, «Подольск» тикув машинаси, «Циклон» ва «Тайфун» пилесоси, электр шарбатсиққичлари СССР Жамғармалар банкининг Ўзбекистон республика банки нарядига биноан, «Узбекбирлашув»нинг Тошкент базаси томонидан берилади. Қолган буюм ютуқлари жамғармалар банкларида лотерея билети олдидан текшириб кўрилган жойлардаги магазинлар орқали берилади.

3. Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереяси билетларига чиққан 1100 сўмгача бўлган ютуқларнинг қиймати иттифоқдош республикалар, область ва шаҳарларнинг жамғармалар банкларида ҳам тўланаверади. Шу жамғармалар банкларидан буюмларни талаб қилиб олиш мумкин.

4. Ютуқ чиққан лотерея билетларини кечи билан 1990 йил 30 июнгача топшириш керак. Шу муддатдан кейин лотерея билетлари ютуқ тўлаш учун қабул қилинмайди.

5. Бошқа иттифоқдош республикаларда ўтказиладиган пул-буюм лотереяси билетларини Ўзбекистон ССР-нинг ҳамма шаҳарларидаги жамғармалар банкларида текшириш ва ютуқларни шу банклар орқали олиш мумкин.

Бу жадвал расмий ҳужжат бўлиб, пул-буюм ютуқлари газетанинг навбатдаги сони чиққанидан кейин тўланади.

Эслатма: 1. Пул-буюм лотереяси бўйича ютуққа чиққан баъзи бир буюмларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилган бўлса, бундай буюмлар шунга ўхшаш бошқа маркадаги буюмлар билан алмаштирилади.

Буюмларнинг чакана савдо нархи ўзгарган тақдирда буюм ютуқлари янги прейскурант кучга кирган вақтдан бошлаб янги нарх бўйича тўланади.

Тираж комиссиясининг раиси — халқ депутатлари Шаҳрисабз шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари — Ғ. О. ХУРРАМОВ.

Тираж комиссиясининг масъул секретари — А. М. ҲАЙДАРОВ.

• Реклама ва эълонлар •

ЎЗБЕКИСТОН «ЭТАЛОН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА БАРЧА МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРИГА

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ҲАВОЛА ЭТАДИ

БИРЛАШМА ЗАВОДЛАРИ

юксак миқёсли ўлчов, радио ўлчов приборлари, электр ўлчов асбоблари, сарфни ўлчаш, ҳароратни ўлчаш приборлари, вакуум, оптик-механика приборлари, катталикнинг механик хоссаларини ўлчовчи, физик-химик катталикни ўлчовчи приборлар, мой-бензин тақсимлаш колонкаларини ремонт қилиш учун

1990 йилга

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШГА КИРИШАДИЛАР

ШАРТНОМАЛАР — 1989 ЙИЛНИНГ 1 ДЕКАБРИГАЧА ТУЗИЛАДИ.

Ўлчов воситалари ремонти бўйича шартномалар тузилмаган ишлар 1990 йил планига киритилмайди.

Шартнома тузиш учун манфаатдор ташкилотлар ремонтга бериладиган ўлчов воситаларининг сони кўрсатилган ҳолда бирлашма заводлари ва филиалларига ёзма равишда мурожаат қилишлари зарур.

Рўйхатда приборларнинг номларини, уларнинг типини, миқдори ва зарур бўлган ремонт вақтини кўрсатишлари лозим.

ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ МУМКИН БЎЛГАН ЗАВОДЛАР ВА ФИЛИАЛЛАРНИНГ ЖОЙЛАШГАН АДРЕСЛАРИ:

ТОШКЕНТ шаҳри, Губкин кўчаси, 1«а» уй. Телефон—67-52-04.

ЧИРЧИҚ шаҳри, Совет кўчаси, 4 «а» уй. Телефон—63-621.

ЯНГИЙЎЛ шаҳри, Мопр кўчаси, 9-уй. Телефон—73-744.

ГУЛИСТОН шаҳри, Короленко кўчаси, 11-уй. Телефон — 22-311.

САМАРҚАНД шаҳри, Гагарин кўчаси, 153-уй. Телефон — 70-737.

НУКУС шаҳри, Горький кўчаси, 1«а» уй. Телефон — 24-216.

УРГАНЧ шаҳри, Димитров кўчаси, 201-уй. Телефон — 55-203.

БУХОРО шаҳри, Киров кўчаси, 39-уй. Телефон — 37-605.

АНДИЖОН шаҳри, Бозор кўчаси, 4-уй. Телефон — 59-793.

НАМАНГАН шаҳри, Зарбулоқ тупиги, 3-уй. Телефон — 65-974.

ФАРҒОНА шаҳри, Қосимов кўчаси, 11-уй. Телефон — 44-112.

ҚЎҚОН шаҳри, Ленинобод кўчаси, 80-уй. Телефон — 22-698.

ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ ВА БИРЛАШМАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Оптимум» ижара пудратига ўтишга оид тавсияномаларини ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ

«ОПТИМУМ» кооператив фирмасининг

ҳукумат қарорлари, норматив ҳужжатлар, етакчи илмий-тадқиқот институтларининг методик тавсиялари асосида ишлаб чиқилган тавсияномалари мамлакатимиздаги турли хил корхоналар ва «Оптимум» фирмасининг ижара муносабатларини жорий этишга доир илғор тажрибаларини умумлаштиради.

Бу тавсияномаларда тайёргарлик ишларини ўтказиш технологияси аниқ-равшан баён этилган бўлиб, иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш тартиби ҳам келтирилади.

Тавсияномалардан фойдаланиш Сизга зарур тайёргарлик ва ҳисоб-китоб ишларини бажаришда бироита ҳам босқични туширib қолдирмасликка имкон беради. Айни пайтда ана шу ҳолат ижара муносабатлари шароитларида ишлаётган корхона (бирлашма) ишининг мунтазамлигини таъминлайди.

Бир нусхадаги «Тавсияномa»ни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш баҳоси — 136 сўм. Улар буюртма олинган кундан бошлаб 15 кун ичида устама ҳақ тўлаб олиш учун буюртмачига жўнатилади.

Буюртмалар қуйидаги адресга юборилсин: 700007, Тошкент шаҳри, генерал Петров номли массив, 11-уй, 1796-абонент қутиси, «Оптимум» кооператив фирмаси.

«ОПТИМУМ» КООПЕРАТИВ ФИРМАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти коллективи институтнинг илмий ходими Б. Қосимхоновга отаси

Ҳамдамхон ҚОСИМХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети коллективи Республика радиоси режиссёри С. Саъдуллаевга онаси

Жўрахон САЪДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети коллективи республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1940 йилдан КПСС аъзоси

Шарофат АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари ҳамда дефектология факультетининг коллективи олигофренопедагогика ва логопедия кафедрасининг катта ўқитувчиси К. Мамедовга онаси

ФИКРИЯ ИСО қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуш — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р — 04313. В. — 201. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12